

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

Магистратура бўлими

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бўлим бошлиғи

Н.И.Асқаров

“ ____ ” _____ 2015 йил

“ҲИМОЯГА ҚЎЙЛДИ”

Кафедра мудири

Т.Т. Мадумаров

“ ____ ” _____ 2015 йил

**«ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЯТИ САРЧАШМАЛАРИ ВА
ДАРҒАЛАРИ МУМТОЗ МЕРОСИ: МУСТАҚИЛЛИК
ИМКОНияТЛАРИ ВА НАШИДАСИ»**

МАВЗУСИДА

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Бажарди: Раҳматуллаева Гулноза Мавлонжоновна

“Маънавият асослари” йўналиши магистранти

Илмий раҳбар:

т.ф.н.доц. Ш. Асқаров

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2-10
Асосий қисм.	
I БОБ. МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ ВА ДАРҒАРАЛИ АНТАЛОГИЯСИ.	11-26
1.1. Инсон маънавий фазилатлари келиб чиқиш табиатига умумий ва хусусий ёндошувлар.	11-17
1.2. Ўрта Осиё халқлари маънавият сарчашмалари ва улардаги дарғалар анталогияси.....	18-26
II БОБ. МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ КЕЧАГИ ВА БУГУНГИ КУНИ ҲАҚИДА МУХТАСАР ФИҚР ВА МАЪЛУМОТЛАР МАСАЛАСИ.	27-46
2.1 Инсонга хос фазилатлар ичида энг улуғи маънавий етакчилик масаласига назар.	47-33
2.2 Маънавий етакчилик кила олиш ва бўла олиш жамият кемаси Дарғаси масулиятига тенглиги.	34-46
III БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МАЪНАВИЯТИНИНГ ТИКЛАНИШ ТАБИАТИ САРЧАШМАСИ ВА ИСТИҚБОЛИ.	47-66
3.1 Маънавий ўзликнинг тикланишидаги илдизлар билан боғланиш концепцияси.	47-60
3.2 Маънавият ва маърифат уйғунлигидаги халқимиз маданиятининг тикланиш йўналиши назарий ва амалий жихатлари.	61-66
Хулоса.	67-69
Фойдаланилган адабиётлар.	70-73
Глосарий.	74-76

Кириш.

Бугун мустақил Ўзбекистонимиз жамияти, ўзининг танлаган йўлида асосий мақсад қилиб Президент И.А.Каримов таклиф этган ва ҳаёт тарзимизга айланган “Ўзбекистон келажаги Буюк давлат” ибораси олингани ҳеч ким учун янгилик ёки сир эмас. Демакки юртимиз аҳолиси ўзининг келажигига тўла ишонган ҳолда кундалик ҳаётини секин аста оғишмай, босқичма-босқич илгарилаб бормоқда. Тўғри бу йўлда тўсиқлар, машаққатлар, қийинчиликлар, ғанимларнинг турли туман тўсиқлари ҳамда кирди корлари, йўлимиздан қайтаришга “қалбимиз ва онгимизга” ҳукмронлик қилишга ўрнилари бўлиб турибди ва давом этади. Бунга қарши сиёсий кучимиз, иқтисодий имкониятларимиз, ижтимоий таъминланганимиз, туриб бериши мумкин, аммо бунда энг нозик жойимиз руҳиятимиз панд бериши мумкин эканлигини 23 йиллик мустақиллик тарихимиз мисоллар билан айтиб бериши мумкин. Булар 1990 йиллардаги Фарғона воқеалари, 1992 йил Наманган воқеалари, 1999 йилги, 2004 йилги Тошкент ва 2005 йилдаги Андижон воқеалари қалбимиздаги оғир жароҳат бўлиб турганидир. Буларнинг сабаби сифатида баъзи бир фикрларни айтилса, яъни воххобийлик, акромийлик, хазб-ут тахрир ва бошқа оқимлар, жамиятмизнинг ўз ичидан чиққан “аъзолардан” эканлиги, онги ва руҳини субутсизлигидир деб айтилса кўп нарса аён бўлади.

Ҳар қандай жамиятни у қай даражада бой, кучли, ижтимоий таъминланган бўлсада, маънавий бирлиги, жипслиги, бағрикенгиги, толерантлиги етарли даражада бўлмаса, жуда тез инқирозга юз тутганини айта оламиз. Инсонлар жамиятини бирлаштирадиган, уни ичидан, мавжуд имкониятларини йиғиб бир бутун қилиб йиға оладиган инсон, жамият, халқ фазилати бу фақат унинг тарихий негизларида вужудга келган ўсиб унган, йиллар, асрлар давомида ишлов берилиб, сайқал топган маънавиятидир. Маънавият кеча, бугун, эртага тезда вужудга келадиган, жамият аъзолари онгига, қалбига тезда кириб оладиган бирор бир жихат, тавсиф эмасдир.

Унинг ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимизга айланиши учун минг йиллар давомида чашма сифатида пайдо бўлиб ҳар бир жихати, инсонлар томонидан сайқалланиб, узоқ вақт давомида кўлланиб ўз дарғаларига эга бўлиб, тарих синовидан ўтгандагина буюк кучга айлана олади.

Президентимиз И.А.Каримов жаҳон ҳамжамияти тамонидан тан олинган китоби “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида айтилган ҳар бир сўзнинг, ҳар бир жумла, иборанинг мазмун моҳияти ўша тарихимиздан, халқимиз ўзлиги сарчашмасидан олиниб дарғалари тажрибаси билан мустаҳкам метиндек шаклга келтирилганидан олингандир.

Мавзунинг долзарблиги: Мавзуни танлаш давомида юртимизда содир бўлаётган янгиланиш, юксалиш, ривожланиш жараёнига алоҳида эътибор берган ҳолда, уларнинг табиати, негизи, пойдевори қаерда экан?, деган саволни ўз олдимга қўйдим. Шунда жавоб сифатида инсон биринчи галда маънавий-маърифий, маданий мавжудод эканини, у яралганда олий илоҳий таъсирлар натижасида вужудга келганини кўрамыз. Одам зўравонлик ёки куч жихатидан баъзи бир ҳайвонлардан ожиз, иқтисодий жихатдан ўз нафсини тартибга келтира олиш, ижтимоий муносабатларда ўзаро елкадошлик, бирдамлик имкониятларига эгалигини кўрамыз. Лекин улар инсонни инсонга айлантирган жихат эмасдир. Инсонни инсонга айлантирган жихат унинг одамийлиги, инсонпарварлиги эканини таъкидлаган ҳолда одамзот бугунги улкан ютуқларга фақат ўзининг маданияти, маънавияти, маърифати билан эришганини айта оламиз.

Шундай экан унинг маънавиятини, халқимизнинг бугунги маънавияти сарчашмаси қаердан бошланиб кимлар бошлаб берган ва қандай қилиб бугунги даражага ета олган деган саволга жавоб бериш мақсади, мавзуимни энг долзарб масалаларидан деб билдим.

Ундан ташқари Юртбошимизнинг барча фикрлари, ташаббуслари, ҳаракатлари, талаблари, айтаётган сўзлари айнан шуларни талаб этмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда мисли кўрилмаган ютуқларининг бош омили айнан Президентимизнинг олиб бораётган миллий маънавий ўзлигимизга таянган сиёсати эканлиги. Шундай бўлсада унинг нақадар оқиллигини яна бир бора исботлаган ҳолда уни методологик, фалсафий жihatларини, тубида ётган мазмунини ўрганишга интилиб биз ўз диссертациямизнинг тадқиқотига мавзу қилиб олдик.

Тадқиқот объекти: Ҳар қандай тадқиқотнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлар экан, уни қаратилган объекти бўлиши шарт. Агарда объект мавжуд бўлмас экан унда қилинган иш мавҳумлигича самарасиз қолаверади. Менинг мавзуимнинг асосини биринчи галда маънавий ташкил этсада, аввалам бор унинг бирламчи ҳолатини, серсув дарёга айланган ўзлигимизнинг чашмасини асосий объект қилиб олдим. Инсонлар жамияти ўзлигини бошланиши албатта одамийлик фазилатига асосланган маънавий ва маърифат чашмаларига бориб тақалади. Бунинг негизида ётган барча инсоний ҳислат, хусусият ва фазилатлар албатта нимадандир ёки қаердандир бошланиши биричи манбаи бўлиши керак бундай ҳолат ўзидан ўзи ҳаёт оралиғида содир бўлмайди. Шундай экан ўша бирламчи манбалар бизнинг ишимизнинг объектининг асосий омили сифатида кўрилади.

Шунингдек давр тақазоси билан жаҳон интеграция ва глобаллашув олдида турган вақтда, биз ўзлигимиз шу уммонда йўқолиб кетмаслиги ҳаракатини қилмоғимиз зарур. Демакки, маънавий ўзлигимизни тиклаш, ривожлантириш, юксалтириб жаҳон ҳамжамяти олдида намоён қила олиш даражасига қаратилган ишларимиз бўлиши керак. Дарвоқеа бунда авваламбор маънавий сарчашмасидан эзгулик оби-ҳаётини симириб уни барчага кучини, таъсирини намоён қиладиган унинг сайқалли баъзан тўфони юзида тўғри йўл танлаб суза оладиган дарғаларини ҳам алоҳида объект сифатида олиш мақсадга мувофиқ деб билдим.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси моҳиятига кўра кишилик жамияти цивилизация даврига кириб келган вақтларга ҳосдир. Кишилар фуқаровий муносабатларга таянган жамият қурулган ўзаро

елкадошлик, ҳамжихатлик бирликда яшаш тарзини тез содир этсалар ўзаро ижтимоий келишув шаклланишига қараб маънавий негизлари вужудга келади.

Кишилик жамияти маданий ривожланиши биринчи галда моддий маданият билан боғлиқ бўлса, унда унинг моддий жиҳатларини ўрганишдан бошланади. Шундай экан биринчи галда мавзуимизнинг дастлабки ўрганган соҳа сифатида археология, полианталогия, антрапология каби фанларни олишимиз мумкин. Аммо бу соҳалар бизнинг мавзуга бевосита дахлдор бўлиб инсон моҳиятини очишга кўмак беради. Сўнгра бизнинг тадқиқотга бевосита алоқадор масалалар маънавий маданиятнинг вужудга келиши ва айниқа маърифатнинг тараққий этиши билан кенг таъсир кучига эга бўлди. Бунда биринчи галда ёзма манбаларнинг вужудга келиши алоҳида ўринга эга. Бизнинг мавзу юзасидан мислсиз адабиётни келтиришимиз мумкин, аммо мустақиллик даври маънавиятига таъсир этган имкониятларни ўрганган адабиётлар алоҳидалигини таъкидлаш мумкин.

Бунда биринчи галда ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга адабиёт сифатида Ислом Каримов асарларини келтиришимиз мумкин. Сўнгра бевосита тарихий адабиётлар, адабий тарихий асарлар, илмий оммабоп асарлар, рисоалар, мақолаларни келтиришимиз мумкин. Алоҳида таъкидланадиган китоблардан, “Ватан туйғуси”, Ҳ. Ҳомидийнинг “Кўҳна шарқ дарғалари”, “Машриқзамин ҳикмат бўстони” ва бошқа жуда кўп адабиётларни келтириш мумкин.

Шундай бўлсада мен ўрганаётган мавзу қиррасини, бу масалага эътибор берилган асарни учратишга мувофиқ бўлмадим.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини илмий билишнинг диалектик усулини қўллашга эътибордан бошладим, унда масалага объектив ёндошув асосида тарихийликка, узвийлик, ўзаро боғлиқлик ва бутунлик омилларига алоҳида эътибор қаратдим. Тизимлилик ва тадрижийлик тарзи ижтимоийликдан келиб чиққан холда идрок қилишга қаратилди. “Келажаги буюк давлат”

куриш мақсад ва вазифасини амалга оширишда йўналишни белгиланган ва унинг назарий асосларини яратган раҳбарнинг илмий–назарий фикр ва ғояларидан келиб чиқиб уларда келтирилган барча фикрларни ўз ишимда раҳбар услуб қилиб олишга алоҳида эътибор қаратдим. Президент И.А.Каримов асарларида ипга тизилгандек келтирилаётган фалсафий ёндашув, ҳолисона очиб бериш, масалага адолатли ва бегараз ёндашувга алоҳида фикримни қаратдим.

Тадқиқот ишимда фалсафий фикрнинг мантиқий тизими алоҳида методологик асос бўлиб хизмат қилади. Хар қандай тарихий воқеяликни тушуниш ва унга баҳо беришда конъюктура (боғлайман)га катта эътибор берилади. Негаки сиёсий тузим ва ижтимоий тизим ўз ҳақиқатини намоён ва исбот қилишда албатта ўз манфаат ва эҳтиёжларига барча нарса ва воқеяликларни боғлашга уринади. Бўлмаса маълум муаммо ва тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Аммо биз тадқиқотимизда имкон қадар тарихий ҳолисликни мантиқ фалсафасига боғлашга ва асослашга интиланганиз ишимизга алоҳида урғу бўлиб киради.

Тадқиқотимизда назарий масалаларни имкон қадар фалсафий мантиқ, илмий ёндошув, ҳолислик, ҳаётиликка асосланган бўлса, амалий жихатдан имкон қадар оддийлик, халқчиллик, содда мулоҳаза қилиш, муомала оддийлиги билан қарашга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Тадқиқотимиз юзасидан изланишлар олиб бориш давомида деярли кўплаб манбаларни, фанлар ютуқ ва камчиликларини ўрганиб таҳлил қила олиш талаб этилади. Мақсад ва вазифамиз сифатида айнан шундай вазифани кўрдикки улар Президентиз И.А.Каримов тамонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида белгиланган экан. Бу фикр юртбошимизнинг деярли биринчи дастури амал асари бўлмиш “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли ” китобидир. Унда келтирилган қуйидаги жумла ишимизнинг барча тадқиқот йўналишларини белгилаб берди. “Аввало, у – деб ёзилади асарда-аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анаъаналари ва урф-

одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан ҳосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга ҳайрихоҳлилик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади.”¹

Бугунда глобллашув шароитида жамиятимиз аъзоларининг янада мустаҳкам бирлиги бўлиши зарурати яққол намоён бўлиб бормоқда. Зеро шундай экан мен ҳам бу яқдилликни янада кучайтиришга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида, халқимнинг тарихий илдизларидаги қадриятларининг ҳозирги имкониятларини очишга ҳаракат қилмоқчиман.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишим тузилиши, танланган тадқиқот мавзулар бўйича одатдаги масалалар тарзида олинган бўлсада, мохиятига кўра ғоявий ёндашиш жараёнида фалсафий, мантикий методология асосида очишга ҳаракат қилинди. Мавзу ўз аҳамиятига кўра жамият ривожланишининг муҳим жihatларидан маънавий меросга қатъий ворислик изчил ўрганишни ўз ичига оладиган соҳани қамрайди. Негаки маънавият ҳар бир инсоннинг ўз фазилатлари асосида содир бўлсада, унинг шаклланиши ва намоён бўлиши албатта кенг жамоатчилик таъсири бўлади. Унинг кўриниб туриши ва у жамият талабларига тўла жавоб бериши шарт билан боғлиқлигини, мен ўз ишимда маънавиятимизнинг дастлабки кўринишлари яъни сарчашмаларининг юзага келиши ва уларни дарғалар яъни етакчилар тамонидан сайқал бериб борилиб жамият аъзоларига етказилиши тартиби усуллари ва ускуналари ҳақида фикр қилишга ҳаракат қилдим. Диссертацияда илмий янгилик сифатида қуйдагиларни таъкидлаш мумкин:

- Инсон маънавий фазилатлари келиб чиқиш табиатида умумий ёндашув;
- Хусусий ёндашувлар;

¹ И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол а тараққиёт йўли. Тошкент 1992 йил. 11 бет.

-Маънавият сарчашмалари ва улардаги дарғалар анталогияси эътибор қаратиш;

-Инсонга хос фазилатлар ичида энг улуғи маънавий етакчилик масаласига кенг назар билан қараш;

-Маънавий етакчилик қила олиш ва бўла олиш жамият кемаси Дарғаси масъулиятига тенглиги муаммоси;

-Маънавий ўзликнинг тикланишидаги илдизлар билан боғланиш концепциясига жиддий ёндошиш зарурлиги масаласи;

-Концептуал фикр ва ғояларнинг муҳим назарий ва амалий негиз эканлигига баҳо бера олиш масаласи;

-Маънавият ва маърифат уйғунлигидаги халқимиз маданиятининг тикланиш йўналиши назарий ва амалий жихатларига алоҳида эътибор.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Маънавият бир инсон фикри ва тафаккури билан қамраб олиш ўта мушкул бўлган масаладир. Аммо уни шундай мушкул экан дея эътибордан четта қолдириш умуман ноқобил ишдир. Мен эътибор беришга уринаётган масала айнан бу мушкул ишда жамият ва алоҳида унинг ичидаги кишилар “дарғалар” масаласига ҳамда уларни тарбиялаб етказадиган, яратадиган маънавият чашмалари ва уларнинг сара ҳолатларига эътибор беришга уринишдир. Чашма қанча кўп бўлса ирмоқ ва дарёлар шунча серсув бўлади, чашмалар ичида эса сараси энг катта кўзга, сув берувчи ҳолатга эгаси мавжуд бўлиши дарёларнинг бошланишига омил бўлади. Халқ, жамият, давлат миллий ўзликка эга бўлган инсонлар бирлиги вужудга келиши учун унинг бошланиш ва бошқариш жихати бўлиши зарур. Шундагина у халқ ўзлигига эга бўлади. Бугун Ўзбекистон халқи дунёда ўз ўрнига эга экан демак уни келиб чиқишига, вужудга келишига Президент И.А.Каримов бугунги кунда “миллий мафкурага”, “миллий ўзлигимизга”, “миллий маданиятимизга”, “миллий маънавиятимизга” алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмасдир. Бунинг катта аҳамиятга эга эканлигини ва амалий жихатдан тинимсиз ташкилий ишлар ва тадбирлар амалга оширилаётган “Фонд форум”, “Маҳалла

жамғармаси”, ва бошқа кўплаб ижтимоӣ ташкилот ва ҳаракатлар фаолиятдан кўраимиз. Демак бизнинг тадқиқотимизнинг натижаси ўлароқ, жамиятимизда маънавият соҳасида содир этилаётган ишларнинг яна бир жихатига, раҳбарлик ролига эътиборни жалб қилган ҳолда, ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, ҳали бери мавжуд ҳато ва камчиликларимизни рўйи рост очиб тўғрилаш имкониятларини қидиришга қаратамиз.

Тадқиқот натижалари, янгиликлари ва таклифлар. Магистрлик диссертацияси ҳажми ва илмий янгиликлар киритиш талабларидан келиб чиқиб, мавзунинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги натижа ва янгиликларга эришишни белгиладик:

- Инсоният тарихи заминларидан ва ҳаёт талабларидан келиб чиқаётган тажрибадан қуйидаги ишни айтиш мумкинки, маънавият энг аввало жамият ташаббусини, барчага мақбул тартиб қонидани, барчанинг унга қалбан ёндашувини талаб этади. Демак, уни тушунишда илдизларига бориш бу қонуниятдир;

-Халқининг уч минг йиллик цивилизация тарихи шаклланиш ва ривожланишда раҳбарий ва маънавий етакчи шахсларнинг роли ва ўрни бекиёс эканлиги, улуғ зотларнинг фаолияти маънавиятнинг шаклланишидаги аҳамияти доимо ўз ўрнига эга эканлиги;

- Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи маънавиятини тиклар экан, бунда, жамият аъзоларини бирлаштира олган, оғир ва катта масъулиятни ўз зиммасига олган И.А.Каримов фаолияти алоҳида эътиборга молик эканини таъкидлаб кўрсата олиш;

-И.А.Каримов нутқи, чиқиши, асарларида, фармон ва қарорларида тадрижий тарзда секин аста оғишмай олиб борилган маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш сиёсатининг самараларини сарҳисоби;

-Тадқиқот, оддий такрорлаш ёки таҳдид бўлмай, балки илмий, фалсафий, мантиқий, изланиш сифатида ўз натижалари билан маънавиятни ривожлантиришда раҳбарнинг роли ва ўрнига урғулик баҳо берилиши.

Диссертациянинг апробацияси. Диссертация натижалари АДУ “Миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси йиғилишида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 21 йиллигига аталган Андижон давлат университетида ташкил этилган илмий амалий анжуманда илмий мақола билан қатнашиш давомида муҳокама этилди.

-Тадқиқот материаллари “Қадр–қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” мавзусидаги илмий мақола ва тезислар тўпламда, “Ўзбек модели”нинг мамлакатимиз юксалишидаги стратегик ва тактик энг оқил ғоя эканлиги².” номли мақолада баъзи бир хулосаларимиз баён этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертацияни кириш, асосий қисмида урта боб ва уларда олтита параграф, якуний жамловчи хулосалар матни, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда, илмий терминлар глоссарийси ва изоҳлардан иборат.

² “Қадр–қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” Андижон 2013йил 46-49бет.

1606. Маънавиятимиз сарчашмалари ва дарғарали анталогияси.

1.1 Инсон маънавий фазилатлари келиб чиқиш табиатига умумий ва хусусий ёндашувлар.

Маънавият ҳақида сўз юритишдан олдин албатта унинг илдизларига унинг сарчашмасиги, келиб чиқиш табиатига эътибор бериб уни дастлаб яхшилаб ўрганмоқ ва билмоқ даркор. Акс ҳолда уни юзаки тушуниб қолмоқ муқаррардир, негаки маънавият инсон тафаккуридаги энг серқирра ва мисли йўқ даражада кенг тушунчадир. Маънавият ҳақида фикр кетганда эътибор берилса ҳар бир инсон ўз фикри, ўз ҳулосаси билан чиқиши мумкин, шундай бўлибгина қолмай у киши сизга маънавият ҳақидаги фикри, ғояси тўғри эканлигини исбот ҳам қилиб беради. Демак, кенг ва улкан мазмун моҳиятга эга бўлган фазилат ҳақида фақат унинг табиатини, биринчи дебочасини билиб сўнг баҳо бермоқ мумкин.

Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидлаб маънавият ҳақида ўзининг бугун жамиятимиз талабларига тўла жавоб бера оладиган чиройли таърифини берганди. Аммо бизнинг мавзуимизга таалукли фикр ундай эмас, негаки биз маънавиятнинг ўзини эмас балки унинг табиатини кўриб ўрганмоқчимиз. Шу боис биз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрига назар қаратмоқчимиз. “Албатта, “маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фирк-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси

муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.”³

Бу жумланинг мазмунидан келиб чиқиб деярли мен ҳам ўз ишининг методологик, фалсафий, мантиқий илмий йўналишини белгиладим десам асло муболаға бўлмайди. Фикрга эътибор билан назар солган ва уни тафаккур қилишга ҳаракат қилган маърифатли инсон албатта ўз фикри ҳақ эканлигини биринчи галди шу жумладан топади. Аммо асардан жумла алоҳида ажратилиб, матндан бир бўлаги асосий фикр қилиб олинishi бу ҳеч қайси мантиқий илмига тўғри келмайди. Демакки келтирган фикрларимизни тўла қонли маънога эга бўлиши учун Президент И.А.Каримовнинг маънавият ҳақида келтирган фикрини кўриб чиқиш ва расмий ёндашув қандай эканлигини баҳолай олиш лозим. “Шу фикрнинг мантиқий давом эттириб, маънавият–инсонни руҳан поклаш, қалбан улуғлашга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини баққуват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини ўйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир,”⁴ Фикримизни тасдиғи сифатида асарда келтирилган “тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар тамонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ” сўзлари маънавият қотиб қолган ёки яратиб шундоқлигича қоладиган нарса эмаслигига исбот келтирилмоқда.

Асли маънавият инсон хислати, хусусияти ва фазилатининг бир бўлаги эканлигига эътибор берган ҳолда уни келиб чиқиш ва қандай шаклланиш, ривожланиш жараёни мавжудлигига эътибор бериб олиш зарур. Негаки инсон биринчи галда онгли мавжудод экан у ўз онгини ишга солишида маданият шаклланади. Маданият инсонни яратувчилиги, унинг ўз ҳаётини ва атроф муҳитни унга тегишли ва фойдали бўлиши мумкин бўлган нарсаларни ўзгартириши, шунингдек янги нарсаларни яратиши мумкинлигида намоён бўлади.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. Тошкент 2008. 18 бет.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. Тошкент 2008йил 19 бет.

Демакки дастлаб хусусий жихатдан “маданият” терминини кўриб чиқиш керак, негаки бу илмий сўзнинг умумий таркибига инсон фаолиятининг моддий ва маънавий жихатлари киради. Моддий маънавият инсон меҳнати унинг кўл ва онг фаолияти маҳсули сифатида намоён бўлиб уни, барча сезги органларимиз билан англай олишимиз мумкиндир. Масаланинг иккинчи жиҳати яъни маънавиятнинг инсон рухиятига тегишли қисми айнан туйғу, кечинма, сезги, истироб, хурсандчилик ва бошқа шу каби хиссиётлар билан боғлиқдир. Маънавият биринчи галда маданиятнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлади.

Маданият ўзи нима деган саволга жавобни биз илмий асарлар, луғатлардан топишимиз мумкин. Масалан “Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат”нинг “Маданият” сўзига берган таърифидан шундай фикрлар топдик. “Маданият (арабча “мадина” – мадиналик, шаҳарлик; таълим-тарбия кўрган) – кишиларнинг табиатини, борлиқни ўзлаштириш жараёнда яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи.”⁵ Кўриниб турибдики маданият инсон меҳнати, ақл заковати, фаросати ва айниқса унинг рухияти ва қалби ҳаракати, интилиши маҳсули экан.

Маданиятнинг ҳар бир жабҳаси инсон меҳнати маҳсулидир, шундай экан уларнинг юзага келишида инсон маънавияти катта ўрин тутади. Демакки маънавият инсон меҳнатини шаклланиши ва содир бўлишида асосий ўринлардан бирини эгалласа унда инсон содир этаётган меҳнат шакли ҳам унинг маънавиятини шаклланишида ўз ўрнига эга бўлади.

Инсон маънавий фазилатини шаклланишидаги биринчи сарчашма булоғи бу инсоннинг меҳнат қилиш, онгли фикр қилиш билан боғлиқ экан. Эътибор берайлик Миллий истиқлол мафурасининг тамоилларидан бири “халқимизнинг меҳнатсеварлиги масаласи” дея белгиланган, демак меҳнатсеварлик миллий ўзлигимиз тамоили бўлар экан маънавиятимизнинг

⁵ Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. Тошкент 2008 йил. 104 бет.

ҳам асосий қисми бўлиши керак. Албатта бунга шубҳа йўқ исбот сифатида жамиятимизнинг, ҳалқимизнинг, давлатимизнинг кун сайин бой бадавлат бўлиб боришини келтиришнинг, 23 йил вақт ичида дунёнинг нуфузли давлатлари қаторига чиқиб бораётганимизни келтириш кифоя қилса керак.

Аммо маънавиятни фақат меҳнат ёки моддийлик билан боғлабгина кифояланиш нотўғри бўларди, негаки маънавият баъзи ҳолларда ҳатто маданиятдан ҳам кенг қамровли жараёнларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, моддий ёки маънавий ҳолатдан ташқари номоддий ёки номаънавий ҳолатлар ҳам мавжудки уларни ҳам инсон содир этади. Шу боис маънавиятни вужудга келиш жараёнида содир бўлган воқеалик ва омилларни бошқа тарафлама ҳам кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Булар “аккултурация” ўзга маданият ва маънавиятлардан таъсир ёки рухларни, маданий ходисалар илмий талқини масаласи, маданият ва маънавиятни таснифлаш, балки табақалаштириш деса ҳам бўлар, тадқиқот жараёнида уларни тизимлаш зарурати ҳам мавжуддир. Бу масала, муаммоларни ўганиш жараёнида маданият ва маънавиятни ривожланиш ёки эволюцион (тадрижий) тараққиёти масаласига чуқур эътибор берган ҳолда қаралишигина унга нисбатан концептуал йўналишни тўғри ишлаб чиқишга ва белгилашга имкон беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг бугунги кундаги маънавий ўзлиги белгиланган концептуал асос мавжудлигига шубҳа йўқ, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртбошимиз бу масалага ўта жиддий ёндошганлари маълум. Буни биз маънавиятимизга умумий ёндашув сифатида Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарининг деярли барча мазмунни келтиришиимиз ва айниқса бешинчи бобни алоҳида келтиришимиз мумкин. “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб номланган бу боб, деярли Ўзбекистон фуқароларининг маънавий ўзлигини белгилаган концептуал вазифаларни ўзида тўла мужассам этиб ўқувчи учун тушунарли

килиб баён этиб берган. Ундаги тамоиллар маънавиятимиз чашмалари ва айниқса сарчашмалари вужудга келиш негизлари кўрсатила берилгандир.

Юртимизда бу борада кўплаб амалий ишлар қилингани ҳаммамизга равшандир. Хусусан, маънавият масалаларининг барча қирраларини ўрганиш, тушуниш, тавсифу, талқин қилишга бағишланган қанчадан қанча китобу рисоалар, мақолалар ёзилиб кенг омма ихтиёрига берилмоқда. Кишилиқ жамиятларида иқтисодий манфаатлар ва эҳтиёжлар нақадар муҳим эканлигини ҳеч ким инкор этмайди, аммо маънавий манфаатлар ва эҳтиёж унданда юқори эканлигини исбот қилиш зарурати йўқ бўлса керак деб биламиз. Негаки инсонни инсон қиладиган унинг маънавий ўзлиги, маърифий табиатидир. Жамиятимиз илғор зиёлилари ва ижодкорлари билан учрашувларнинг бирида Президент И.А.Каримовнинг чуқур фикрларидан “маънавият масалаларига ёндошишда халқона, содда, оддий тилда, барчага етиб борадиган фикрлар билан етиб борадиган китоблар кераклигини айтган эди.” У инсонни дунёқаришига кўра, маънавият, маърифат нима, буларсиз қандай яшаш мумкин, рухият, қалб, тарбияси, фалсафий фикр юритиш нутқ маданияти, мафкура, миллий ўзлик, ғурур ирода, имон, буларнинг барчаси ўтмиш авлодларимиз меросида қандай эди каби тушунчаларни бериш зарурати кўрсатилган.

Шундан сўнг юртимиз олиму фозиллари, фузалолари тамонидан бу масалага ёндошган кўплаб асарлар чиқди. Шарқ ва ислом, фалсафада уят, андиша, ор номус, инсоф, диёнат каби тушунчалар тушунтириладиган бўлди.

Хақиқатан халқимиз ўзлигига, миллий анъаналарига, қадриятларига кирадиган ушбу рухий кечинмалар, хусусият ва фазилатлар, бир кунда, бир йилда ёки бир неча ўн йилларда шаклланган вужудга келган эмаслигини тушуниш керак. Масалан, ўзбек қизи учун “иффат” тушунчасининг мазмун моҳияти, асрлар давомида аёл кишига нисбатан муносабат, унинг эҳтироми, жамият ижтимоий муносабатларидаги ўз ўрни билан белгиланган. Бу тушунчанинг келиб чиқиши ва мазмун моҳияти, шарм, ҳаё, ор, номус, каби

инсон рухий ҳолати билан боғлиқ жихатларда шаклланиб ўз ифодасини олган.

Демакки, бугунги маънавий ўзлигимиз минг йиллар давомида шаклланар экан уни маърифатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Дастлаб оила, сўнг маҳалла, жамоа, эл, юрт талаблари уларнинг йиллар давомида ишлаб чиққан, сайқал берган тамоиллари негизида маънавиятимиз қадриятлари шаклланиб маърифий жихатлар ҳалқимиз ҳаёт тарзига кириб сингиб борган.

Маънавий ва маърифий ўзлигимиз сарчашмалари ҳақида фикр кетганда диний таълимот ва тафаккурни четлаб ўтиш, фикр ва ўзлигимизни ярим, чала тарзда баён этиш билан баробардир. Бунда ҳалқимиз тарихга мансуб икки қисмдан иборат қадриятлар, ўзаро давомийликни сақлаган ва бир бирини тўлдириб борган ўзлик ҳақида фикр айтиш зарур. Милодий VII асргача бўлган Зардуштийлик таълимоти сарчашмалари билан, араблар истилосидан сўнг кириб келган маънавий ва маърифий ҳаёт тарзини ҳам ажратилган ҳолда ҳам бирликда кўрилса кўп ҳолатларга жавоб топиш мумкин.

Зардуштийлик таълимоти нафақат ҳалқимиз балки инсоният тарихига, цивилизациясига ўзининг фалсафий, рухий, ғоявий, фикрларини қўшган ва барча юксак дунё таълимотлари қаторида тан олинадиган ғоя эканигини айтиш мумкин. Бу таълимот вужудга келишида бизнинг юртимиз ҳудудида қадимда яшаган ҳалқлар улкан рол ўйнагани ва унинг ривожланишида ўз ўрнига эга эканлигини айта оламиз. Тарихимизнинг тамаддун жараёнининг бошланиши вақтларидан бошлаб, авлодларимиз кечган ижтимоий маданий ҳаёти ва турмуш тарзи, дунёқараши, маънавий жараён даражалари ҳақида жуда кўплаб сохта ва ғайриилмий фикрлар, гаплар айтилиб, ишонтиришга, тарихий хотирамизга ўзгартириш, янгилик қилишга ҳаракат қилинган. Мустақиллик туфайли бундай таҳқирланишга чек қўйилди, қайтадан барча тарихий ҳақиқат тикланди. Шу қатори қадимги тарихимиз, қадимдан келаётган ўлигимиз қайтиб келди. Кундалик урф одатларимизда амал

килаётган аммо негизларини тушунмай, хайрон бўлаётган қадриятларимиз ҳақида ҳақиқат топмоқдамиз.

Шундай ҳақиқатлардан бири ҳозиргина таъкидлаган Зардуштийлик таълимоти ҳақида ва таълимотлари асосида вужудга келган ва ҳозиргача сақланиб келаётган ўзлигимизнинг бўликларидир. Зардуштийлик таълимоти ҳақида халқимизда турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд бўлиб, улар маънавий ўзлигимизни турлича талқин бўлишига олиб борадиган жихатлари ҳам бор. Ваҳоланки бу таълимот Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Олд Осиё халқлари тақдирида маънавий ва маърифий ўзлигини шаклланишида биринчи галдаги сарчашма бўлганини айтиш мумкин. “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 минг йил бўляпти. – дейди Президент И.А.Каримов тарихчи олимлар билан учрашувда.- Бу нодир китоб бундай XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умиргузaronлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ким инкор этолмайди.”⁶. Бу сўзлар нафақат халқимиз буюк тарихий манбага эга эканлигини балки, дунё миқёсида буюк маънавий ва маърифий сарчашманинг кўзи вужудга келган юртнинг вакили эканлигини айтмоқда.

Бундай фикрлардан биз нақадар юксак ва бетакрор маънавий ва маърифий мерос эгаси эканлигимизни айтиш мумкин. Бизнинг маънавиятимиз кеча ёки бугун юзага келган халқ эмас балки минг йиллар давомида тарихий сарчашмалар макони эканлигимизни айта оламиз.

Бугун, кимларнингдир тамонидан йўқотилишга уринган, шундай улкан маънавий, маърифий меросимиз тикланди, халқнинг ҳаётига қайтариб берилди.

⁶ Каримов И.К. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент 1997 йил.

1.2. Ўрта Осиё халқлари маънавий сарчашмалари ва улардаги дарғалар анталогияси

Илм фан аввало ўзининг илмийлиги, фикрлар, ғоялар теранлиги билан, ва айниқса уларнинг амалийлиги билан қай даражада кучли бўлса шунчалик унга нисбатан ҳурмат юқори бўлади. Фаннинг яна бир хусусиятларидан алоҳида таъкидлаш зарур бўлган ҳолати бу унинг тушунарлилиги, ҳамманинг онгига, тафаккурига ақлига осон етиб борадиган, содда қилиб баён қилинган бўлиши заруратидир. Баъзида ижтимоий фанларга нисбатан, тушуниш учун мураккабликда ноўрин айбловларни эшитамиз. Шундай бўлиши табиийдир негаки ижтимоий гуманитар фанлар объекти ва субъектига эътибор берилса бунга жавоб осон топилади. Негаки улар инсонлар, одамлар, жамиятлар, халқлар, давлатларнинг кундалик ҳаётини муносабатларини талқин қилиб, баҳолаб тушунтириб бериши асосий вазифасига киради. Зеро шундай экан ҳаммамизга маълумки бўлган олами, ҳаётни, тушуниш ва тушунтиришдан мураккаб нарса ва ҳодиса мажуд эмас. Шундай фикрлар билан биз дастлаб режамизда ишлаган кўпчиликнинг албатта назари тушадиган, илмий терминга яъни “анталогия” сўзига алоҳида тўхталдик. Анталогия сўзи бизнинг изланишимизда ўзак термин сифатида бўлиши зарур деб билдик, чунки ҳар қандай тарихий воқеаликдаги фикрлар, ғоялар, уларнинг муаллифлари бўлмиш кишилар ҳақида фикр кетганда уларнинг тарихийлигини билмасдан туриб, ғоя ва таълимотларини тушуниб олиш бизнингча мукамаллик ва мураккаблик келтириб чиқаради. Ҳаёт секин аста тадрижий ривожланиб борар экан фалсафанинг деалектик қонунларидан бири таъкидлаганидек “инкорни -инкор” қилиш жараёни аввалги ютуғини таъкидлаб, қабул қилиб, камчилигини инкор этишни тақозо этади. Бугун ютуқ деб олинган қоида, ҳодиса, моҳият эртага камчиликка айланиши шу қонуният билан чамбарчас боғлиқ. Балки бундай ҳолат бизга мақбул эмасдай туюлар бизнинг дунёқарашимиздаги “консерватив” руҳият унга қаршилик қилар, аммо на илож қонуният ўз ишини барибир бажаради, амалга оширади.

Шу боис хар бир ходиса воқеани ўз маврудида ўз русмида, кўриб чикиб ўрганиб баҳолаш илмийликнинг асосий мезони деб билдим.

Энди “антология” қайтсак, бу сўз илмий термин бўлиб деярли барча фанларда ўз ўрнига эга. Бизнинг тадқиқотимиз ҳолатида, антология сўзи муҳим роль ва ўрин тутган тарзда намоён бўлада, шу боис секин аста унга нисбатан берилган таърифларни кўриб чиқмоқчимиз.

Биринчи галда “антология” сўзига берилган таърифни “Большой энциклопедический словарь”дан олдик. Унда бу терминга қуйидагича таъриф берилган экан, “Антология (греч.anthologia, букв.- собрание цветов), сборник избранных произ. (лит., филос., муз.) разных авторов.”⁷ Маълум бўлишича бу сўз қадимги юнонистонда ишлатилган бўлиб гулларни териш, жамлаш маъноларини англатар экан. Ваҳоланки юнонлар учун, бу оддий гул териш жараёнига нисбатан ишлатиладиган кундалик сўз бугун фан дунёсига илмий термин бўлиб кирган. Демакки сўзнинг дастлабки ишлатилишида фанга илмга нисбатан қўлланилганда, унинг энг сара, эътиборга алоҳида молик ва инсон уни ўзининг энг гўзал, чиройли, хушбўй, кўнгилга ва қалбга хузур баҳш қиладиган гулдастасига кўша оладиган фикрлари, вакиллари асарларига нисбатан қаратган. Шу боис ҳам менимча бу сўз илмий термин бўлиб кишилар илмий мулоҳаза фикр юргизиш вақтида қўлланилиб келмоқда.

Бундай ташқари бу сўзга, яъни илмий терминга нисбатан бошқа изохли ёндошувларни ҳам кўрамиз. Масалан, “антология (турли авторларнинг сайланма асарлари , кўпинча шеърлар тўплами).”⁸ “Антология, (книж.)Сборник избранных художественных произведений разных авторов.”⁹ Бунда биз маълум даражада ўзгача ёндашувни кўришимиз мумкин, яъни турли муаллифларнинг танланган бадиий асарлари тўплами ҳақида фикр кетмоқда. Демакки бу сўз илмий термин сифатида бугунда турли изланувчи

⁷ Большой энциклопедический словарь М.1991. 62 стр.

⁸ Русча-Ўзбекча луғат. 1 том. Тошкент 1983йил. 35 бет.

⁹ Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.1988. 25 стр.

олимлар томонидан ўз илмий йўналишлари тарзида талқин қилиниб олинган. Энг муҳими бундай сўзнинг мазмун моҳияти яъни энг сара асарлар “гулдастаси” ранги, хиди, хушбўйлиги, хушбичимлиги, ўзаро монанд, уйғун, хилма-хиллиги яна бир илмий термин билан айтганда, гармонияга оид бўлган фазилатга эгаллигини билдира олишидадир. Режамизда белгиланган гапнинг “эга” иборалардан яна бири сифатида “Маънавиятимиз дарғалари” фикрига алоҳида тўхташ зарурати мавжуд деб ҳисобладик. Масалан шундаки инсонлар, кишилар, жамоага йиғилиб ўзлари учун яшаш тарзини танлаш давомида бир мақсад, бир йўналиш танлаш ва у бўйлаб бориш учун албатта бирлашмоғи зарур. Ваҳоланки инсон ўз табиатига кўра, айниқса кўпол қилиб айтганда “ақлли” бўлиб борган сари ҳар бири ўз фикрига эга бўлиб уни тўғри деган ҳулосага эгадир. Шу боис ҳам кишилар ўртасида баҳслар, мунозаралар, келишмовчиликлар, ҳатто тўқнашувлар содир бўлиб туради. Шунда уларни келиштирувчи, уларни тўғри йўлга етакловчи, жамоа учун қарор қабул қилувчи оқил шахслар бўлмоғи талаб этилди.

Бу йўлбошчи, етакчи сифатида жамоа томонидан қабул қилинадиган ва маълум даражада қулоқ соларли даражада ҳурматга эга бўлган инсонларни “дарғалар” шартли белилашга қарор қилдим. Бунинг сабаби “дарға”сўзининг маъноси ўзининг жуда кўп ҳислатларига кўра, жамият маънавий ҳаётига таъсир эта олиши мумкин бўлган кишининг ваколат ва вазифаларни ўзида мужассам эта олгани бўлди. “Дарға 1. Кема бошқарувчиси. 2. Йўлбошловчи, бошчи.”¹⁰ деган мазмунда тушунтириш, изоҳлашни топиш мумкин. Худди шу китобнинг 220 бетида S ҳарифидаги сўзлар изоҳида “sardor” – бошлиқ, раҳбар, капитан, етакчи,¹¹ каби тушунтиришларни топдик. Бу қатор изоҳларда бизни капитан сўзи ўзига жалб этди, негаки биз “дарға” сўзи кема, қайиқ, сувда сузувчи, ҳаракат қилувчи катта иншоат билан уни бошқариш, эҳтиёт қилиш, унинг омилкорлиги ва самарали ҳаракатига жавобгар инсон ҳақида сўз кетмоқда. Кема капитани ҳам худди шу вазифани бажариб боради.

¹⁰ Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғоти. Тошкент. 2001. 45 бет.

¹¹ Ўша жойда.220 бет.

Бунда битта катта фарқни айтиб ўтиш зарур, “дарға” сўзининг ишлатилиши масаласи ўринли ёки нисбий олинган деган фикр келиб чиқиши мумкин. Бунинг учун бу сўзнинг туб моҳиятини очиш даркор, негаки ўринсиз ишлатилган сўз гоё фикр мазмун моҳиятини ўзгартириши ҳатто бузиши мумкин.

Масалани очиш учун бир оз бўлсада тарихимизнинг иқтисодий, ижтимоий, табиий шароит ва имкониятларига назар солиш керак, шунда биз дарға сўзининг асл маъноси қандай, жамият ижтимоий ҳаётида қандай ўрин тутган деган саволга жавоб топамиз.

Ўзбекистон тарихан географик, ҳудудий жойлашиш бўйича азалдан ва ҳозирда Ўрта Осиё минтақасининг жуда қулай геостратегик ерларига жойлашган. Марказий Осиёнинг “қон томири, ҳаётбахш обихаёт манбаи” икки аъзо дарё Амударё ва Сирдарёлар орасидага энг сер сув ва унумдор ерлар Ўзбекистон ҳудудидир. Дарёлар Ўрта Осиё халқлари тарихида қанчалик катта иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўрин эгаллаганини мавзумиз манбалари яқол намоён этади. Масалан Геродотдаги “саки –тара - дараё” яъни дарёнинг нариги соҳилида яшовчи сақлар, ёки массагетлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек Александир Македонскийнинг йўлида Амударёнинг тўсиқ бўлиши ҳақидаги хабарлар. Икки дарё соҳилларида яшовчи халқларнинг дарё кемалари, қайиқлари ва ниҳоят, минг афсуски ҳозирда йўқ бўлиб кетаётган Орол денгизи фолотилияси ҳақидаги маълумотлар, уларнинг ҳаёт тарзида улар қай даражада ижтимоий фикр сифатида мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Тарихимизнинг яна бир жаҳоншумул аҳамиятга эга воқеялиги деярли 18 аср яшаб фаолият кўрсатиб келган Буюк ипак йўли чорраҳасида дарё йўллари ҳам катта аҳамиятга эга бўлганини кўрамиз.

Шундай экан дарға сўзининг ижтимоий ҳаётда фаоллиги халқимизнинг маънавий ўзлигига ҳос ва мос тарзда қабул қилиниши мумкин. Аммо бир оз

уни денгиз кемалари капитанлари фаолияти, вазифаси билан фарқлаш ва аралаштирмаслик бизнингча тўғри бўлар эди. Негаки денгиз кемалари капитанининг вазифаси, ваколати дарё кемаси, дарғасидан фарқ қилади.

Бугун бизнинг мустақиллигимизнинг тикланиши, ривожланиши, тараққий этишида, халқимиз улкан кемада дунёнинг глобаллашув широитидаги ҳаётига кириб бормоқда. Бунинг ижобий ва салбий томонлари мавжудлиги барчамизни ўта ҳушёр ва огоҳ бўлиб боришимизни талаб этади. Шунда халқимиз қадриятлари, ўзига ҳос хислатлари фазилатлари бу умумийликда ўзлигини йўқотмаслиги учун айнан маънавиятимиз сарчашмалари ва дарғаларининг ҳаёт ва фикр тажрибаларини билишимиз, тушунишимиз, қалбан қабул қилишимиз кераклигини билдирмоқда.

Зардушт, Заратуштра, Зараастр ва бошқа кўплаб тарзда талқин қилинган ном бу Зардуштилик таълимотининг асосчиси донишманд, астролог, “пайғамбар” – мужда келтирувчи, яъни яхши хабар келтирувчи сифатида тан олинади. Бу оддий инсон сифатида, олим, файласуф, донишманд сифатида яратган асарлари, қолдирган мерослари на фақат Шарқ халқлари балки дунё фалсафий фикри мўжизаларидан бири дея тан олинади. Ривоятлар, қадимий тарихий маълумотлар, янги давр илмий изланишлари натижасига синчиклаб қарасак, Зардуштийлик таълимоти ҳақида кўплаб маълумот унинг “Авесто”¹² китоби ҳақидаги фикр билан боғлиқ ҳолда берилади. Бу китоб инсоният тарихида энг катта ва энг қадимги инсон маънавияти ва маърифати ҳақидаги фикрларнинг ёзма манбасидир.

“Авесто” китоби ҳам қадимда ёндирилиб юборганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд, аммо шундай бўлсада унинг пахлавий, форс тилардаги талқини асосидаги маълумотлар бизгача етиб келган. Унинг барча бошқа таълимотлар сингари аввал оғзаки тарзда пайдо бўлиб, кейинчалик ёзма ҳолатга келтирилганини айтиш мумкин. Эҳтимол Зардушт ўз таълимотини оғзаки айтиб юрганда ёзиб олгандирлар, балки халқ эсда сақлаган

¹² Тилаб Махмудов “Авесто” ҳақида. Тошкент . 2000 йил

маълумотларни оғиздан оғизга авлоддан авлодга мерос қилиб қолдириб хатга тушириб борилгандир. Қандай бўлишидан қатъий назар бу фикр бу сўзлар, бу таълимот бизнинг ҳудудда яратилгани ва унга шу ернинг халқи ўз маънавий ҳаёти билан манба бўлгани ва Зардушт инсоният маънавияти ва маърифати дарғаси сифатида айтилиш мумкинлигини келтирдик.

Зардушт таълимоти на фақат таълимот балки дунёни тушунишнинг қадимий дастлабки фалсафий фикри сифатида келтирилади. Унинг фикри ва ижодига эътибор билан қараган ва ўз вақтида ўз фалсафий фикрини илгари сурган Фридрих Ницше бўлиб унинг “Так говорил Заратустра: книга для всех и ни для кого.”¹³ китоби дунё илм олами тан олган асарлардандир.

Маънавият ва маърифатимизнинг дастлабки дарғаси дея Зардуштни айтар эканмиз секин аста тарихимизнинг ҳар бир саҳифасига мурожат этиб шундай улуғ инсонларни бирма бир айтиб ўтиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Демак фикримиз давомида бугунги кунда мавжуд манбалардан фойдаланиб дастлаб ислом уйғониш даври аллома ва даҳоларини айтиб ўтсак бўлади. Тарихга “Илк уйғониш даври” сифатида кирган X-XII аср олимларидан Ал-Харазмий, Ал Фарғоний, Умар Хайём, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний ижтимоий ва сиёсий ҳаёт фаоллари, Муқанна, Ғазнавий, Исмоил Сомоний, Хоразмшоҳлар, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Махмуд Таробий ва бошқалардир.

Бу инсонларнинг тарихий роли биринчи галда уларининг халқнинг маънавий ва маърифий ҳаётига қўшган хиссаси ва таъсири билан белгиланади. Масалан, Муқанна ўз ҳаёти ва уни ўз курашига бағишлаши билан ташқи душманга қандай ва қачонгача курашиш мумкин ва зарурлигини кўрсатди. Унинг ўлиmidан сўнг қаршилик ҳаракати тўхтамай балки янада кучайди. Курашни давом эттирган Сомоний Исмоил бошчилигида мустақилликка эришишгача етиб келдилар. Жалолидин Мангуберди ва Темур Маликлар босқинчиларга қарши ҳам қуролли ҳам

¹³ Фридрих Ницше Так говорил заратустра: книга для всех и ни для кого. М.1990.

маънавият ва маърифат билан курашиш мумкинлигини яна бир бор намоён этдилар.

Аллома ва донишмандларимиз маънавиятимизни ва маърифатимизни илм фан чашмаларини кўзларини қатта қатта қилиб очиб бердилар ва бутун дунё илм фани ва маданиятига ўлкан хисса қўшдиларки бунда ҳозиргача инсоният катта баҳолар билан эъзозлаб келади.

Тўғри XIII-XV асрлар тарихимизда маъшум давр ҳисобланади, мўғул истибдоди на маърифатимизга на маънавиятимизга рушнолик бермади. Бу ҳол халқимизни деярли юз йилдан ортиқ ёруғлик кунларини кутиб курашиб келишга шайланди. Ваниҳоят 1362 йилдан бошлаб бу кураш Амир Темур бошчилигида бутун Ўрта Осиё халқини руҳини мустақиллик сари етаклади. Кўтарилиши янги халқнинг тўфонга айланишининг биринчи омили сифатида халқни маънавий ва маърифий жихатдан бирлаштирган ва ўз ортидан етаклай олган Буюк тарихий шахс Соҳибқирон Амир Темурни бутун дунё тан олади.

XVII-XIX асрлар халқимиз тарихида ўзига хос алғов далғов замонлар сифатида, иқтисодий тушқинлик, сиёсий тарқоқлик, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблиги билан баҳоланади. Шундай бўлсада халқимиз миллий ўзлиги, дунё маданиятидаги ўрни, маънавий ва маърифий бойлиги деярли нисбатан анча юксалганини кўришимиз мумкин. Бу даврдаги шоиру ёзувчилар, олиму фозилларнинг бир қаторини ҳатто дунё тан олган инсонларни айтишимиз мумкин. Булар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Қозизода Румий, Али Қушчилардир.

Шунингдек миллий дарғаларимиз Машраб, Бедил, Завқий, Гулҳаний, Фурқат, Муқумий, Нодира, Зебинисо, Увайсий, донишмандлардан Феруз, Аҳмад Дониш ва бошқа кўплаб инсонларни келтириш мумкин.

Айниқса XIX аср иккинчи ярми – XX аср боши фаоллари маърифатпарварлари жаҳидларни айтмай ўтиш бу катта ҳато бўлар эди.

Маърифатчимиз мустамлакачилик, чор истибдоди замонида, кўтарган унинг ёрқин йўлини ахтариб топишга ва халқни мозий томонга етаклашга ҳаракат қилган Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирийларга маънавиятимиз ва маърифатимиз дарғалари сифатида қаралмаслик асло мумкин эмас.

Совет, коммунистик мафкура ҳукмронлиги даври уларни нобут қилган бўлса бошқаларини ўз истибдодига, мутеликка дучор қилди. Шундай бўлсада улуғ инсонлар “маънавий ва маърифий жасоратлари” билан халқни доимо ўзлигидан огоҳ қилиш имкониятларини топа олдилар. Булар Ҳамид Олимжон, Ғофур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Зулфияхоним, Муҳаммад Юсуф ва бошқа кўплаб буюк инсонлардир.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, инсонлар ҳар бири алоҳида ўзлиги билан маънавият ва маърифат ўчоғидир. Аммо бу ўчоқлардаги маданият олови мангу алангаланиб ловиллаб ёниб туриши учун кимдир унга ўт қалб, унга янги алангалатувчи қўшиб туриши зарур. Юқорида келтирган маънавиятимиз ва маърифатимиз дарғалари айнан ўша инсонлардир. Улар ўз рухиятининг кучлилиги, унинг битмас туганмас истиқлол сари интилувчи ғайрати билан барчани тинч ёки муте бўлишга йўл қўймайдилар.

Инсоннинг табиатига янги фикр ва маънавий бойлик кириб туриши зарурлиги аниқ исбот қилинган факт, шундай экан бу янги бойлик, янги маърифий озукани таратадиган ҳам уни олиб кирадиган ҳам юқорида келтирган инсонлар “дарғалардир.”

1991 йил 31 августдан бшлаб Ўзбекистон халқи мустақилликка, миллий ўзлигига қайтиб келди, уни Илохий куч қўли билан, дунёвий фикр вужудга келтирди. Бу имкониятни ўз вақтида сезиб, ўз имкониятларини тўла ишга солган ҳолда Президент И.А.Каримов амалга оширди. Мана 23 йилдирки Мустақил Ўзбекистонимиз эришган ютуқларни дунё кўриб хайратланмоқда,

бизнинг фаровон ҳаётимиз кун сари юксалмоқда. Тўғри буларнинг барчасининг куч-қудрати халқнинг бирлиги ва манфаатлари жамлигидандир. Аммо уни бирлаштириш, тўғри йўналишга солиш, бузғинчиликка эмас, бунёдкорликка қарата ҳаракатлантириш биринчи галда юртбошимизнинг фаолиятидандир.

Президент асарларидан бирида таъкидлаганидек, “мен илгари ҳам айтган бир фикрни такрорламоқчиман: - дейди И.А.Каримов – раҳбарлар борки, улар ўзларининг билими ва тажрибаси, инсоний фазилатлари, фидоийлиги билан эл – юртнинг кучига–куч, ғайратига-ғайрат қўшади ва керак бўлса, инсонларга илҳом бағишлайди. Уларнинг руҳини кўтариб, қўллаб-қувватлаб, барча тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтадиган азим дарёдек қудратли оқимга айлантиради.”¹⁴ Бу сўзларнинг туб маъноси Конституциямизнинг 2-моддасидаги қоидаларга таянган ҳолда таъкидланмоқда. Унда ёзилган “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига ҳизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқароларнинг олдида масъулдирлар.”¹⁵ Демакки, жамият раҳбари, етакчиси, йўлбошчиси уларга бошлиқ ёки хўжайин эмас балки масъулдир, барча жавобгарлик унинг зиммасига юклатилгандир. Бундай оғир юкни кўтариб бориш ва кўпчиликнинг ишонч ва таянчига эришиш учун етакчи дарё кемаси, дарғаси сингари маънавий ва маърифий жихатдан юксак марраларнинг эгаси ва баркамол ва комил инсон бўлиши зарур. Бундай кишилар жамиятнинг юксак маънавий ўғитлари ва қадриятларида тарбия олган бўлиши зарур.

¹⁴ Каримов И.А. Сурхондарё вилояти кенгаши сессияси. Халқ сўзи. 2013 йил 21 декабрь.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2012 йил. 4 бет.

2 боб. Маънавиятимизнинг кечаги ва бугунги куни ҳақида мухтасар фикр ва маълумотлар масаласи.

2.1. Инсонга хос фазилатлар ичида энг улуғи маънавий етуклилик масаласига назар.

Инсон фазилатининг энг ажойб ақл бовар қилмайдиган даражада ўзига хос хусусиятга эга жиҳатлардан бири бу унинг маънавий қиёфасидир. Маънавият нима, маънавият инсон руҳиятида қандай шаклланади деган саволга ёндошишдан фикр бошлаймиз. Негаки айнан маънавиятнинг шаклланиши уни инсонлар ўртасидаги муносабатни шаклланишига, таъсир кучига эга бўлишига асосий омиллардан бири деб ишонч билан айтиш мумкин.

Инсонга нисбатан “Сен одам эмассан” дейишдан ортиқ ҳақорат, тана бўлмаса керак. Инсонни улуғлаш инсон учун оддий ҳолатга ўхшаши мумкин, негаки инсонни ўзидан бошқа ҳеч ким улуғлолмайди, демак бу имконият ёлғиз одамзотга берилган. Шундай экан ўзини ўзи мақташ учун шунга лойиқ бўлиш талаб этилади. Қуруқдан қуруқ сўз “оғзига келганни демоқ тантакнинг иши” сўзлари оқиллик нечоғли улуғ немат эканлигини ҳам инсон томонидан тушуниб етилганини кўрсатади. Фақат инсон ўзи нимага қодиру нимага қодир эмас каби муҳим масалага ўзи онги билан етиб борганини кўрсатиши уни яна бир бор улуғлайди.

Аммо бу улуғликнинг омиллари, унсурлари, бўликлари, мавжуд бўлиб бу инсон “Фазилатлари” дея таърифланади. Буларни бир қатордан белгилаб тавсифлаб чиқсак улкан бир тоғ бўлган бўлар эди. Биз фақат баъзи бирларини нималарга қодир эканлиги ҳақида фикрларини келтирмоқчимиз. Масалан; Шахс-бу сўзни алоҳида олганимизда унга жавоб топа олмаймиз негаки Шахс ва Ижтимоий тушунчалар бирга келгандагина уларга маъно киради. Шахсни жамиятдан ва жамиятни шахсдан алоҳида кўриб бўлмайди. Шу боис ижтимоий тушунчаларнинг барчаси шахсга таъриф бериш учун

омил бўлиб туради. “Шахс – жамиятдаги алохида бир киши, одам лекин одам шаклидаги ҳар бир мавжудодга нисбатан шахс иборасини қўллаб бўлмайди.”¹⁶ Демак шахс деган тушунча биринчи галда ўша индивиднинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва фазилатлари билан белгиланади. У индивид бўлиши мумкин лекин индивид сўзи фалсафада атомларга (*individuum* – неделимое;)¹⁷ “бўлинмайдиган”¹⁷ нисбатан Аристотель тамонидан ишлатилган. Аммо бу маъносини ижтимоий ҳаётда табиатдаги бошқа нарса ва яратилганларга нисбатан қўлланиши “алохидалик” деб қабул қилиниши мумкин. Фалсафадаги бу тушуна кенг бўлиб бир жихатдан шахс тушунчасини қамраши мумкин лекин уни тўла очиб бера олмайди. Буни тўла очиб тушуниш учун шахс маъносини ижтимоий, жамият тушунчалари билан боғлиқ ҳолда талқин қилиб тавсифлаш керак шундагина маъно чиқади.

Инсон фазилатларидан яна бири “сиймо” сифатида фазилатлар мумкин. Инсон фаолиятига кўра икки хил ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Салбий фазилатга эгалар сиймо бўла олмайди, сиймо бўлиш учун инсониятни инсон қилиб, наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтказаётган, яхшини ёмон устидан, эзгуликни ваҳшийлик устидан, хиснинг хирс устидан, гўзалликнинг хунуклик устидан, виждоннинг жиғилдон устидан ва ҳоказоларни ғалабасини таъминлаб келаётган покиза руҳли буюк зотлардир.¹⁸

Инсон фазилатларидан яна бир қатори булар авлод ва аجدодни билиш тан олиш, қадрлаш, наслини билиш кабилардир. Бунда уруғ, қабила, аймақ, эл, элат, халқ ва аҳоли, каби ўзликни фуқаро сифатида барчасини бирлаштира олиш ва ўз миллати ва ўз давлатини вужудга келтиришдир. Бу фазилат инсонни маънавий ва маърифий жихатдан мустақил, ўзликка эга эркин шахс ва жамият бўлишга олиб боради.

Бу фазилатларнинг негизи ва ривожланиш омили сифатида яна инсон хусусиятига хос руҳий ва онгли ҳолат “Адолат хиссидир”. Бундай рухият

¹⁶ Ватан туйғуси. Тошкент 1996 йил 55 бет.

¹⁷ Большой энциклопедический словарь. М.1990. 488 стр.

¹⁸ Ватан туйғуси. Тошкент 1996 йил. 57 бет.

аввало одамнинг ўзини англаш ва ўзининг юқори онга ва шуурини хис этиши тушуниши туфайли вужудга келади. Айнан маънавият ва маърифат уни шаклланиши ва ривожланишига сабабчи бўлади, ўзга омил бўлиши мумкин эмас.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асаридаги Юксак сўзига берилган маъно ва урғу инсонларнинг ҳар бирининг шахсига қарата айтилган ва ёзилган фикрлардир. Асарда шу маъно алоҳида таъкидланган “Энг буюк жасорат” бўлимида келтирилган мисоллар “Сократ ўлимидан кейин юнон фалсафасининг тақдири ҳавф остида қолди. Фақатгина Платоннинг фидойилиги ва беқиёс ҳизматлари эвазига бу фан янги босқичга кўтарилди. Яхё Ғуломов, Зулфия, Озод Шарафуддинов,”¹⁹ ва бошқа кўплаб тарихий шахслар номлари алоҳида таъкидлаб келтирилади.

Инсоният пайдо бўлиб, миллион йилик шаклланиш ва минг йилликлар давомида тараққиёт этиш жараёнида ўзини ўраб турган атроф муҳит табиат, тоғу тошлар, дарёю денгизлар, чўлу биёбонлар, уларда содир бўлаётган ҳодисалар, воқеаларни ҳаёти давомида кузатган ва ҳулосалар чиқарган. Ҳулосалари натижасида уларнинг сабаблари ва қонуниятларини мушоҳада қилиб, турли тасаввур, тушунчалар ҳосил қилиб ўз ҳулосаларини чиқарган. Оқибатда қандай бўлиш керагу қандай бўлмаслик керак, нима қилиш мумкину, нима мумкин эмас деган фикрларга секин аста келиб борган. Уларни тушуниш албатта бирдан ёки тез содир бўлган эмас, фақат сабр тоқатли, бардошли, кузатувчан, мулоҳаза қила оладиган, тафаккур ва идрок этадиган кишиларгина улар негизида ўз ҳулосаларини бера олган ва жамият ижтимоий муносабатлари қадрият ва қонуниятлари ишлаб чиқилган.

Бунда бугунда аксарият ҳолларда четда қолиб кетадиган қадимий инсонлар тажрибаси унутилиб эътиборга олинмай қолади. Ваҳоланки маънавиятнинг дастлабки дебочалари энг қадимий диний тасаввурлар асосида шаклланган деса бўлади. Ибтидоий одамнинг ўзига ҳос маънавияти,

¹⁹ Каримов И.А. “Юксак маънавият- енгилмас куч”. Тошкент 2008 йил. 159-171 бетлар.

ёввойи бўлсада, уни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турганлиги учун биз уларни ҳам одам дея қабул қилмоқдамиз. Энг дастабки диний тасаввурлардаги яъни анимизм, тотемизм, фетишизм, шомонизм тасаввурлари ҳозирги маънавиятимизга тўғри келмас аммо уларсиз, уларнинг етакчилари, коҳинлари, шомонлари, қурбонлик қилгувчилари ва бошқа диндор хизматчилари, шакллантирган дастлабки инсоний қадриятлар ва ақидаларсиз ҳозирги маънавиятимиз бойликлари бўлмас эди.

Маънавият инсоннинг умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, онги ва ақл фаросатига, заковатига илм ва билим қўшадиган уларни бойитиб борадиган асосий олимдир. “Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар давлатнинг, халқнинг, миллатнинг, жамиятнинг, айрим шахсларнинг бебаҳо ҳазинаси ва тараққиёт манбаидир.”²⁰ Маънавият сўзи ҳеч қачон ўзи алоҳида умумий жиҳатдан келтирилмайди унга албатта маърифат атамаси давом эттирувчи ёки тўлдирувчи сифатида келтирилади. Чунки маънавиятни маърифатсиз давом эттириш, жамият ҳаётида сақлаб қолиш ёки таъсир кучини кенгайтириш мумкин эмас. Бунда деярли жамиятнинг барча аъзолари иштирок этади. Аммо жамият кишиларини тўғри йўл танлашида юқорида келтирилган иборада кўриниб турганидек “айрим шахсларнинг бебаҳо ҳазинаси” алоҳида ўрин тутади.

Биз юқорида келтиргандек уларни бугунги кунда маънавиятимиз дарғалари деб аташ илмий ва оммабоп фикр қилиш тарзига киритилган. Тарихга назар солган киши баъзан иккиланиб қоласан тарихни халқ яратадими ёки шахсларми деган саволга жавоб тополмай иккиланасан. Бунинг сабаби улкан тарихий воқеяликлар даврида шахслар ўз фаолияти билан, ақл заковати билан унда бурилиш яшашларини кўриш мумкин. Тўғри улар бани халқнинг иштироки ва қўллаб қуватлашисиз амалга ошира олмас эдилар. Аммо халқ иккиланиш ва саросима ҳолатдалигида айнан ўша

²⁰ Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғат. Тошкент 1998 йил. 114 бет.

дарғаларнинг бир сўзи, бир фикри, бир ғояси улкан ишларни содир бўлишига сабаб бўлади.

Маънавият, тўғри бундай бирданига бир вақтнинг ўзида шиддат билан қабул қилинадиган фикр, ғоя билан содир бўлмайди. Унинг шаклланиши, ўзлигини вужудга келтириши, қадрият ва ақида ҳолатига келиши учун йўллар, асрлар синови ва сайқаллаштириши керак. Шунда Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” китобида ажратиб алоҳида бўлим қилиб берган “Энг буюк жасорат” кишилари сиймоси гавдаланади. Улар ўз вақтида кўринмаслиги, биланмаслиги, ҳатто кишилар уларга эътироз, ҳатто нафрат билдиришлари, уларни ҳақорат қилиб, жазолашлари ўлдиришлари мумкин (Сократ, Беруний, Улуғбек, Ж. Бруно, Галилей, Леонардо Да Винчи). Улар ўз фаолияти, ҳаёти давомида ўша кун, бугунги кун билан эмас балки келажак, эртанги, куни билан яшайдилар.

Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай сўзларни келтиради, “Аниқса, барча даврларда ҳам ғоят мураккаб ва маъсулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, эски қолиплардан воз кечди, бу соҳада янги йўллари очиб бераётган, одамларнинг дунёқараши янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта қунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб –қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришиши учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим.”²¹ Бизнинг тадқиқотимиз вазифасини аниқлаштиришда ва тўғри йўлни танлашда бу фикрлар дастури амалдек жаранглайди.

Айнан фикрларни давом эттириб уларни таъкидлаган жойларига эътибор берсак аниқ ҳулосалар билан ўз фикрларимизни шакллантиришимиз мумкин бўлади. Асардаги “соҳа вакиллари яъни ўқитувчилар ва мураббийлар, ёзувчилар ва журналистлар, кино ва театр аҳли, муסיқачилар

²¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент 2008 йил 129 бет.

ва рассомлар, умуман, зиёлиларимиз,”²² ҳалқимиз ва жамиятимиз учун янги йўллارни танлашда, тўғри маънавий ҳаёт йўлини белгилашда, фидоий меҳнат қилаётганликларини айтади. Бундай ҳолат, жараён, воқеълик кеча ёки бугун вужудга келган қонуният эканлиги янгилик эмас. Биз фақат бу масалани яна бир бор унга назарий жихатдан оз-моз яқин келиб катталаштирилган ҳолда ёндошишга уриниб кўрдик.

Ваҳоланки бу масалани, яъни инсон маънавияти ва маърифати негиз ва манбаларини унинг ҳар бир ҳислат, ҳусусият ва фазилатида қодир зарурдир. Бунда кишининг туйғу, кечинма, хиссиёт ва бошқа шу каби ички сезгилари ва кечинмалари асосида содир бўладиган жараёнлардан жавоб иташ зарурдир. Инсоннинг онги сезгилари орқали идрок қиладиган атроф муҳит унга табиат, борлиқ ва ҳаётни билишга тушунишга имкон беради. Бунинг эвазига инсон тафаккури билимга бойиб бориб нарса ва ҳодисаларни тушуна олади. Бу билиш бўлиб идрок ва тафаккур қилиш эвазига киши уни табиатини тушуна олади ва ўз таъсири ва ўзгартиришини киритиши мумкин.

Ва ҳоланки фалсафанинг асосий ғояларидан бири айнан шундай фикрларга таянади. Лекин биз таҳлил қиладиган муаммо инсоннинг табиат, Оллоҳ томонидан берилган хиссиётлари масаласини кўришдир. Бунда одамнинг “тафаккур имконияти”дан тортиб “одамлиги”ни тушунган ҳолда “Жамият бўлиши” ва ундаги “маънавият чашмаларигача” бу чашмаларнинг маънавий дарғаларини таъсири, имкониятларини тушунишдир.

Инсон масаласини унинг фазилатлари шаклланишини тушунишда биринчи галда тафаккур чашмасини билмоқ зарур. Бунда инсонга хос товуш чиқариш яъни “сўз” унинг маънолик ва ўзаро маълумот етказиш ва коммуникатив тизим эканлиги исботловчи омил “тап” ва нихоят инсонни инсонпарвар этган “сўз” маъноларини тушунмоқдир. Мана шу уч негиз инсон онги сарчашмаси деб очасидир.

²² Ўша жойда. 130 бет.

Сўз одамнинг бешикдан то қабргача йўлдоши бўлиб унинг ким эканлигини кўрсатади. Яхши сўз ҳам ёмон сўз ҳам фақат инсонга мос ва тушунарли товушдир. Сўзсиз соний жамият, маънавият, маърифат ва маданият йўқ. Сўзлар ёрдамида ифодали баён этиладиган фикр гап бўлиб, одамларнинг ўзаро муносабатни жорий этишдаги асосий омилдир. Бунда гап инсон тафаккурини мантиқ шодасига тизишда муҳим рол ўйнайди, демак инсон тафаккурига дастлабки идрок чашмаси очилгандан бошлаб оқил, онг, қалб, рух булоқлари кўзи очилган. Сўз, гап ўзаро муносабатда тилни сўзлашув имкониятини шакллантирди.

Хозиргина таъкидлаб бир қатор тарзда келтириб инсоннинг тафаккури вужудга келиш чашмасини кўрсатишга ҳаракат қилишимиз унинг онгини шаклланаётганини кўрсатишга қаратилган бўлса. Бу онг узок минг йиллар давомида фақат мулоқат тили бўлиб келгандир. Фақат инсон маънавияти ва маърифати одам ҳаётида қатъий шаклланиши билан уларнинг илмий тарзга ўтиши билан, қалам, қоғоз каби маълумот ва ахборотни ўзоқ авлодларга қолдириш ва етказиш имконияти вужудга келди. Шундан бошлаб маънавият ва маърифат ҳақиқий жихатдан инсон фазилатининг асосий намоён этувчи унсурига айланди.

Тарихга қаралса информацияни ёзма белгилар орқали етказиш бошлангандан, яни “қалам” ва “қоғоз” (шартли атама сифатида олинганда негаки улар турли шакллар ва материаллардан бўлган) ихтиро қилиниши билан инсонлар ўз эришган яхшилик ва эзгулик натижаларини авлодларга мерос қилиб қолдириш имкониятини ихтиро этдилар. Бу ўз ўзидан маънавият ва маърифатни кун сайин, йиллар ўтиб бориши, асрлар оша нафақат етиб келиши балки бойиб ортишига имкон берди. Инсон фазилатларининг сарчашмаси айнан шу жойдан қатъий аҳамият касб эта бошлади.

2.2 Маънавий етакчилик қила олиш ва бўла олиш жамият кемаси

Дарғаси масулиятига тенгдир.

Инсоният ўзи хусусиятига кўра тўда, қабила, жамоа, жамият, давлат, ижтимоий бирликлар ва бошқа турдаги бирлашмаларга бирикиб яшашни бошқа барча турдаги яшаш тарзидан афзал кўрган ва кўради. Демак инсон ижтимоий мавжудод сифатида фақат ўзаро муносабат ташкил қилишгина эмас, балки унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, маънавий тартибларини ҳам шакллантириб келган. Бунинг асосида бугунги кунга келиб бутун бошлиқ элатлар, халқлар, миллатлар, давлатлар, жамиятлар вужудга келган. Буларнинг шаклланишида албатта биринчи галда пойдевор бўлиб, халқнинг мақсад, манфаати ўрин тутган бўлсада, уларни бирлаштирувчи, етакловчи, тўғри йўлни танлашда назарий ва амалий раҳнамо бўлиши талаб этилган.

Кишилар жамиятига раҳнамо бўлиш инсонлардан жуда кўплаб юксак эзгуликларга эга ҳислат ва хусусиятларни, фазилат ва рухиятни юқори даражасида бўлишини талаб этади. Президент И.А.Каримов ўзининг фикрларидан бирида таъкидлаб шуни айтган эдики, бунда инсонлар етакчиси бўлиш ўта мураккаб ва ўта маъсулиятли эканлигини кўрсатиб берган.

Кема дарғаси тушунчаси, раҳбар, бошлиқ, ҳўжайин, иш бошқарувчи, раҳнамо каби тушунчаларга нисбатан анча кенг бўлиб, кишилар, жамият хатто бутун бошлиқ халқларнинг маънавий, маърифий ўзлигини шакллантиришда ҳар жихатдан йўлбошчидир. Марказий Осиё, шарқ ва ғарбнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихида катта ўрин тутган Буюк ипак йўли, сарҳадларида давлатлар орасида мутназам алоқани боғлаб турган карвонлар, “сахро кемалари” деб аталгани маълум. Бу сахро кемаларининг бошқарганларни “сарбон” деб аталишини ҳаммамиз яхши биламиз, уларнинг вазифаси деярли дарё дарғалари ваколатлари билан бирдекка ўхшайди. Аммо эътибор бериб қаралса жамият раҳбари, раҳнамоси, юртбошиси каби

масъулият юклатилган ваколатларга эга кишиларга нисбатан, шоирлар, ёзувчилар, ижодкорлар, зиёлилар бирдек “сарбон” сўзини кўллашади.

Эътибор бериб қаралса расмий ваколатга эга бўлмаган, маданий, маънавий, маърифий хатто ижтимоий таъсирга ва ҳурматга эга кишиларни “дарға” сўзи билан тенглаштирилаётганини кўрамиз. Нега бундай деган саволга жавобни биз Президентимиз принципларидан келиб чиқиб баҳолаганимизда, “хар қандай иш бошладан олдин ундан қандай ёмон оқибат келиб чиқиши мумкинлигини баҳолаб иш юритаман” тамойилига асосланиб жавоб беришга ҳаракат қилмоқчимиз. Бунда карвон йўлда кўплаб ҳавф хатарларга дучор бўлиши мумкин, бу қароқчилар, сувсизлик, йўлдан адашмоқлик, бўрон, довул, касалликлар ва бошқалар. Вахоланки бу ҳавфларни дарё кемаларига нисбатан ҳам содир бўлишини тахмин қилган ҳолда, карвон аъзоларига нисбатан кема аъзолари ва йўловчиларининг ҳаётига бирдек ҳавф ғарқ бўлишдек офатни айта оламиз.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлардаги, янглиш йўлдан бориши, халқнинг ўзга давлатларга турли шаклда қарам бўлиб қолиши каби ҳолатлардан сабр тоқат каби фазилатлар туфайли чиқиш ва ўзлигини қайта тиклаш мукин. Аммо маданий, маънавий, маърифий ва мафкуравий ўзликни йўқотишдан сўнг уларни қайта тиклаб бўлмайди. Бу янгилик ёки сир эмас, барчамиз яши биламизки, Ислом Каримов 1997 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикасида навбатдаги улкан ислохий ўзгаришларга барчамизни бошлаётганларида “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” деб номланиб асарга айланган нутқини сўзлаган эди. Бу асарнинг саҳифаларини ўқишга қарор қилган киши қуйидаги сўзларга эътибор бермай қўймайди, унда Чор Россиясининг генералларидан бирининг сўзлари “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилинса бас, тез орада ўзи таназулга учрайди”, деб

айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қилади”²³ каби сўзлар таъкид сифатида эътиборни тортади.

Маънавият, маърифат, маданият кўриниб турибдики алоҳида муносабатни, ўзига хос эътиборни, нозик таъкидни, талаб этадики, агар у мабодо талофат кўрса унда бир ёки бир неча одам эмас балки жамиятнинг катта қисми, хатто аксарияти халокатга юз тутиши муқаррар бўлиб қолади. Энг даҳшатли жараён шундан иборат бўладики уни ортга қайтариш, тузатиш ёки бошқатдан бошлаш жуда мушкул кечиши мумкин. Бунда таназзул офатини олдини олиш ёки ундан сақланиш фақат алоҳида фаол ва фидоий кишилар туфайли Президент И.А. Каримов сўзлари билан айтганда “Энг буюк жасорат”²⁴ эгалари туфайли содир бўлиши мумкин.

Ўзбекистон, Ўрта Осиё халқлари тарихига синчковлик билан қаралса, бу ҳудудларда инсон маънавияти ва маърифати унда вужудга келган ва ривожлана бошлаган маданият туфайли содир бўла бошлади. Маданият вужудга келиши учун фақат халқнинг ўзигина фаровон ҳаёти етарли эмас экан, унда албатта етакчи раҳнамо, йўлбошчи бўлиши зарурдир.

Аммо омма ва авомни ўз ортидан етаклаш ва эргаштириш кўпчиликнинг кўлидан келмасада, тарихда тасодифий, айёр, ўз манфаатлари учун халқнинг ишончдан фойдаланган, нихоясида ўзини ҳам халқни ҳам халокатга олиб борган етакчиларни ҳам топиш мумкин. Масалан, Хоразмшоҳлар давлати раҳбари, хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммадни айтиш мумкин. Ваҳоланки унинг хатосини, қўрқоқлигини, сотқинлигини тузатишга, ўнглашга ҳаракат қилган ўзини фидо қилган Жалолиддин Мангубердини ўша замоннинг ўғлони, жамият дарғаси сифатида дадил айта оламиз.

Инсоният тарихида улуғ инсонлар деярли ҳамма вақт етарли мавжуд бўлган, улар ўз хиссиёти, хусусияти ва фазилати билан жамиятларни доимо тўғри йўлга бошлашга етаклашга мувофиқ бўлганлар. Тўғри бунинг учун

²³ Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 1998йил. 5 бет.

²⁴ Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. Тошкент 2008йил. 159 бет.

улар ҳатто кўп ҳолларда ўз жонини фидо, қурбон беришга ҳам мажбур бўлганларини кўрамиз, аммо бу фидоийлик деярли доимо ўзининг тарихда қоларли натижасини бериб борган.

Тарихий воқеалар оддий тарихгина эмас, балки улар ортида халқлар, миллатлар, шахсларнинг ижтимоий-сиёсий хатти-ҳаракатлари, ижтимоий борлиқдир ўзгартиришга қаратилган интилишлари ётади. Айниқса, буюк тарихий шахсларнинг тараққиётга, халқ, миллатнинг шаклланиши ва онгига кўрсатган таъсири мудом илм ахлининг даъватини тортиб келган. Бу ўринда, энг аввало, Плутарх ва унинг машҳур “Қиёсий таржимаи ҳоллар” (“Сравнительные жизнеописания”) асарини эслаш ўринлидир. Ёки Т.Карлейл (1795-1881)нинг: “Жаҳон тарихининг ҳар бир босқичида унинг ҳалоскори бўлган ва хоинлар қалбига чўғ ташлаб уни ёндирган Буюк одамга дуч келамиз. Дунё тарихи буюк одамларнинг таржимаи холидир”²⁵, - деган фикри деярли барча сиёсатшуносликка оид китобларга киритилгани маълум. Шунинг учун буюк тарихий шахслар янги парадигмалар, моделлар, янги маънода ижодкорлардир. Кишилиқ дунёсида нима амалга оширилган бўлса, Буюк одамлар фикрларининг натижасидир, дунё тарихининг руҳи ҳақли тарзда Буюк одамлар тарихи сифатида қаралиши мумкин.

Илмий-фанда буюк шахсларнинг ижтимоий-тарихий ҳаётдаги ўрни қаҳрамонлик детерминизми, тадрижий мослашув ва ижтимоий-детерминизм ёндашувлари орқали тадқиқ этилади. Биринчи ёндашув тарихий шахс қаҳрамонликларидан, унинг жасорат кўрсатишга интилишларидан келиб чиқади. Бундай шахслар ҳар қандай хавфга тайёр бўлади ва ўз сафдошларини ҳам тинмай хавф-хатар, душман излаб яшашга даъват этади. Қаҳрамонлик кўрсатиш, жанг, тортишувлардан завқ-шавқ уларнинг стихиясидир. Бу ўринда Александр Македонский, Наполеонлар ҳаракатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Эволюцион-адаптив ёндашувда шахс мавжуд шарт- шароит ва вазият талабини тўғри идрок этиб, зарур қарор қабул қилади. Бундай

²⁵ Психология и психоанализ власти. Т.2. Самарқанд 1999. 42 стр.

қахрамонларни, ҳақиқатан ҳам, давр яратади. Улар бошида қандайдир ташаббус, ғоя билан чиқади ва ўзига тарафдорлар топади. Қолган даврда эса шарт-шароит, атрофдагиларнинг эҳтиёжи билан ҳаракат қилади.

Ижтимоий-детерминизмда ҳам қахрамонларнинг ташқи омиллардан туртки олиши, вазият, давр талабларидан келиб чиқиши тан олинади. Бунда “Буюк одамларнинг дунёга келиши - буюк тасодифдир” (А.Пуанкаре)²⁶, деган нақл амал қилади. Хатто, “тасодиф” илохийлаштирилади. Яъни, тарихий шахснинг пайдо бўлиши осмон хохиши, ҳукмидир. У орқали Худо ўз режаларини рўёбга чиқаради.

Тарихий туб бурилишлар буюк кишиларни тарих сахнасига чиқаради. Бу энг аввало, ижтимоий-тарихий эҳтиёждир. Ҳаммага ҳам ушбу эҳтиёжни англаш ва унинг талабларига мос ислохотларни ўтказиш фазилати инъом этилмаган, айрим шахсларгина бўлаётган воқеалар учун масъуллигини ич-ичидан сезади ва бутун жавобгарликни ўзи мумкин. Ўз касбини мукаммал эгаллаган, уни миллий-маданий воқелик поғонасидан бетакрор умуминсоний бойлик даражасига кўтарган кишилар ҳам буюкликка эришади. Бундан ташқари, маънавий соҳасида буюк жасоратлар учун ҳар доим имкон мавжуд. Ўзининг маънавий фазилатлари ва эзгу даъватлари билан халқ, миллат қалбидан жой олган шундай буюк шахслар бўлганки, хатто тарих бошқа қахрамонлардан кўра уларни кўпроқ ёдга олади. Ўзбек халқи тарихида ўзининг маънавий жасорати билан кишиларни бирлашишга, эзгу амаллар билан яшашга, поклик, баркамолликка ундаган ва шу таърифга тарихий шахслар қаторидан жой олган кишилар кўплаб топилади. Уларнинг тарихий-маданий меросини сониянинг бетакрор маънавий бойлиги сифатида тан олинган ва эъзозланиб келинган бўлса-да, юртимизда 74 йил ҳукмронлик қилган тоталитар тузум, коммунистик мафкура уларга объектив қараш имконини бермади. Халқ ўғлимизнинг буюк кишиларидан бири, тарих фанидан турли ёндашувлар, фикрлар билдирилиб, адабиёт ва санъат намоёндалари, тафаккур аҳли учун мавзулар кони бўлиб келаётган Амир

²⁶ Психология и психоанализ власти. Т.2. 45 стр.

Темурдир.

Президентимиз Ислом Каримов Амир Темурнинг тарих олдидаги буюк хизматларини қайд эта туриб, у зотга коммунистик мафкура, шўролар қандай муносабатда бўлганини эслаб шундай дейди: “Минг афсуски, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура давомида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халкимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шахрисабзда бевосита Сохибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Хатто, ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам “илмий-тадқиқотлар” ниқоби остида талон-тарож қилинди, топталди”²⁷. Мустақиллик туфайли халқимиз ўтмишига, унинг тарихида буюк вазифаларни бажарган фарзандларига нисбатан адолатни тиклаш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини объектив баҳолаш имкони туғилди. Зеро, “Тарих инсоннинг баркамоллик, тараққиёт йўли. мозийни билмаслик ўзини англамасликдир. Ўзини англаган халқгина буюк кишиларнинг номларини эъзозлаб, руҳи хокларини доимо ёд этади”²⁸.

Ўзбек халқи тарихини англаш уни тўла идрок этиш, шубҳасиз, Амир Темур ҳақида, унинг фаолияти, ҳарбий юришлари, авлодларига қолдирган мероси, улкан хизматининг жаҳон тарихида тутган ўрнини билишдир. Шўролар даврида у турли номлар билан бадном этилган. Хатто, И.М.Мўминовнинг Республикамиз илм аҳли томонидан қўллаб-қувватланган махсус маърузасидан кейин ҳам Сохибқиронга мафкуранинг муносабати ўзгармади²⁹. Чунки олимнинг ўзи қайд этганидек, “Тарихда ўтган буюк шахслар ҳақида бирон сўз айтиш, каттами-кичикми илмий ёки адабий асар ёзиш ўта мушкул. Айниқса, Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Амир Темурга ўхшаш ҳарбий ва сиёсий арбоблар ҳақида ёзиш анча мушкул. Негаки, уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли, фаолияти мураккаб ва

²⁷ Каримов И.А. Янгича фикрлар ва ишлаш-давр талаби. 5 жилд. Тошкент 1997. 176 бет.

²⁸ Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар. Тошкент 1994. 3 бет.

²⁹ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли. Тошкент 1968. 14 бет.

ўта зиддиятлидир”³⁰. Бироқ тарихий шахслар ҳаётидаги ушбу мураккаблик, биринчидан, авлодлар диққатини тортиб, уларни мустақил изланишга, иккинчидан, қарама-қарши, гоҳо эса нообъектив, ноҳолис фикрларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам олимлар, мутахассисларнинг тарихий тафаккурини шакллантиришдаги ўрни бекиёсдир.

И.Мўминовнинг қайд этишича, мамлакатда юзага келган парокандалик, тарқоқлик, ҳокимлар ўртасидаги низолар, ижтимоий детерминизм ватанпарвар, элпарвар, “оқил ҳаракатчан ва мохир ҳарбий саркарда”, 25 ёшда Амир Темурни ҳокимият тепасига олиб келган³¹. Соҳибқирон ўз ўлкасини озод қилишни истаган. Шу мақсадда у сарбадорлар, айниқса, Мавлонзодага ва унинг одамлари билан яқин алоқада бўлиб, мўғуллар зулмидан озод, мустақил давлат куришга интилади. Ушбу икки асос шўроларнинг “Амир Темур - босқинчи” деган тухматларини рад этади. Мазкур асосларни билмаслик, баъзан эса уларни атай ҳисобга олмаслик натижасида буюк бобомиз ҳақида нотўғри фикрлар шаклланган.

Амир Темур буюк давлатга асос солган, ислом динини ёйишга, ундаги инсонпарварлик ғояларини давлат сиёсати даражасига кўтаришга, маънавият ва маърифат ишларини юксалтиришга, янги обидалар барпо этишга интилган. «Ҳаммамиз яхши биламизки, - дейди И.А.Каримов Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилеи тантаналарида, - тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин, айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?! Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Амир Темур - халқмиз даҳосининг тимсоли, маънавий кудратимиз рамзидир. Амир Темур бизнинг шаън-шавкатимиз, ғуруримиз, ифтихоримиздир». Амир Темур тарихда бекиёс изланишларга бош-қош бўлган буюк шахс, унинг авлодлари, темурийлар эса ўзбек халқининг буюк фарзандлари

³⁰ Ахмедов Б. Амир Темур. Тошкент 1995. 4 бет.

³¹ Мўминов И. Амир Темур Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Тошкент 1968. 9 бет.

сифатида ном қолдирди. Амир Темурнинг фаолияти натижаси ва у билан узвий боғлиқликда Алишер Навоий, Жомий, Бобур ва бобурийлар майдонга чиқдиларки, инсоният фани ва маданияти тарихини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Умуман айтганда, мусулмон шарқида XV-XVI асрларда юз берган ренессанс даврида Амир Темурнинг фаолияти туради.

Миллий ўзликни англаш ва ёшларда тарихий, сиёсий тафаккурни шакллантиришда Амир Темур сиймосининг ўрни бекиёс эканини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1994 йил 20 декабрда «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида», 1995 йил 26 декабрида «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида», 1996 йил 14 мартда «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил қилиш ҳақида, шу йили «Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида» махсус қарорлар қабул қилди. Бугун мактаблар, кўча ва майдонларга Соҳибқирон номи кўйилмоқдаки, бу чора-тадбирлар халқимиз тарихида улкан роль ўйнаган шахсга нисбатан билдирилган ҳурмат, ифтихор ва ғурур белгисидир. Халқимиз тарихида маънавий-харизматик шахсларнинг ўрни ва улар қолдирган сиёсий, тарихий-маданий мерос, амалга оширган маърифатпарварлик ишлари бекиёсдир.

Зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт (ёки Заратуштра) юртимиз фарзанди эканини кишиларимиз энди билмоқда. С.Хасановларнинг ёзишича, «Зартуштийлик дини ва унинг пайғамбари Спитоман Зартушт асли туркий миллатга мансуб бўлиб, Хоразмга қарашли ҳудуд амударё соҳилида чорвачилик билан шуғулланувчи Спитома уруғидан бўлган Поурушасп ва Гагдуга оиласида таваллуд топган». Олимларнинг мавжуд адабиётлар ва манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиб, умумлаштириб ёзишларича «Зардушт қабилаларни парокандаликка элтаётган ва қабилалар ўртасидаги тез-тез содир бўладиган диний низолар, босқинчилик, зўравонлик, бекорга қон тўкишлар, фақир кишиларга нисбатан адолатсизлик, сурув-сурув, уйлар, пода-пода қорамол, йўлқиларнинг, айниқса, болалар, гўзал қиз-харни ва хаттоки, катта ёшли йигитларнинг қуёш худо- Молох шарафига қурбонликка

сўйилиши, одамларни- турли маъбудаларга сиғиниши каби ёвуз урф-одат негизи кўп ҳудодик жараёнида юзага келишига гувоҳ бўлиб, азият чекади ва шундай дамларда у ўзини улуғ мақсад учун туғилганлигини қалбан хис этиб, юқоридаги вайроналик ва ҳалокатларнинг олдини олиш, одамларни ҳалол меҳнат билан тинч-тотув яшашга ўргатиш тўғрисида ўй-хаёлларга чўмадиган бўлади».

Бугун тадқиқотчилар айнан Зардушт инсоният тарихида биринчи бўлиб яқка ҳудодик тарғиб этганини, унинг ушбу таълимоти Фарб фалсафасига таъсир кўрсатганини қайд этишмоқда. Бу шунчаки оддий мисол эмас, у жаҳон динлари ҳақидаги аввалги таассуротларимиз, билимимизни бутунлай ўзгартириб юборади. Зардушт илгари сурган эзгулик бугунги умуминсоний қадриятларнинг негизини ташкил этади. Мана буюк замондошимизнинг ҳалқи, инсоният олдидаги хизмати. Маънавий-харизматик шахслар қаторига Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (809-870), Имом Муслим ибн Халлож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (824-892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (817-880), Имом Аҳмад Насоий (830-915), Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа (824-886), Махмуд Замахшарий (1075-1114), Имом Абул Муъмин Насафий (1027-1114), Ҳусан ибн Журжоний (1042-1136), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Хўжа Абдулоқ Гиждувоний (1103-1220), Ҳожа Аҳмад Яссавий (1105-1166), Жалолиддин Румий (1207-1273), Баховуддин Нақшбанд (1318-1389), Саййид Муҳиддин Абдулқодир Ғилоний (XIII асрда яшаган) каби алломаларни кiritиш мумкин. Тарихий манбалар, мустақиллик йилларида чоп этилган рисолалар кўрсатадики, ҳалқимизнинг ушбу фарзандлари маънавият масалаларида ислом оламида машҳур бўлган. Уларнинг таълимотлари ўлкамиз маънавий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатиб, инсонпарварлик, эзгулик, поклик, бағрикенглик, адолатпарварлик, ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилган. «Инсоният тарихида барча замонларда буюк шахслар эркин, одилона, хушбахтона ҳаёт йўлига ўз фаолиятига яна бағишлаганлар. Улар одамларнинг нафс касалидан қайтариш, адолатли турмуш кечиришлари учун

ўз таълимотлари билан йўл кўрсатган. Шунинг учун ҳам ДИ ЕГ.ЗГ таълимот халқ маънавиятининг, маърифатининг ўсишига катта хисса қўшиб келган. Шу боис улар- маънавият ва маърифат ҳақидаги ғоялари миллий, — умуминсоний қадрият қатори ҳозирги давримизда ҳам катта ҳурмат ва эътиборга, эҳтиромга лойиқдир» Маънавий-харизматик шахслар кишилар руҳи, масъуляти, дунёқарашига таъсир этиш борасида, энг аввало динга, диний таълимотларга таянганлар. Чунки шундай таълимотлар яратганки, улар авлодлардан-авлодларга ўтиб, кишилар руҳияти муносабатларига таъсир этувчи кучга айланган. Буюк шахслар буни билишган ва ундан унумли фойдаланишган. Шарқшунос олим У.Уватов буюк шахслар, алломалар ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: Дин ўз мазмун-моҳияти билан азалдан жамият тараққиётига, кишиларнинг тафаккури ва маънавиятидир. Шу жамиятга ҳолисона хизмат қиладиган маънавий дағал инсонларни тарбиялашдек шарафли ишга хизмат қилиб келган. Чунончи, фақат маънавий бой инсонлар бор жамиятдагина ҳақиқий фаровон-ижтимоий тараққиётга эришиш мумкин. Шу боис ҳозир ўз Ватани, халқи манфаатлари йўлида ҳалол хизмат қиладиган, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза инсонлар бизнинг жамиятимизга жуда керак»

Харизматик шахсларнинг илмий изланишлар борасидаги фаолияти, Шарқ илм-фани, фалсафасига қўшган хиссаси, ҳозирги авлод учун бетакрор намуна, ҳаётий ибрат бўла олади. Шу ўринда Мусо Хоразмий (783-850), Аҳмад Фарғоний (737-805), Аҳмад Юғнакий (729-786), Юсуф Ансорий (731-804), Муҳаммад Шайбон (749-805), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973- 1048), Муҳаммад ибн Розий (вафоти 925 йил), Хусан ибн Журжоний (1042-1136), Маҳмуд ибн Муҳаммад Тахминий (XII-XIII), Ғиёсиддин Жамшид Коший (вафоти 1430 йил), Алоуддин бин Муҳаммад Али Қушчи (1402- 1473), Мирзо Улуғбек (1394-1449) номларини келтиришнинг ўзи етарлидир. Уларнинг жаҳон илм-фанига қўшган хиссаси аксиома сифатида тан олинади. Шундай экан, ушбу улкан тарихий-маданий бойлик миллий ўзликни англашни такомиллаштиришга

хизмат қилиши даркор. Ушбу алломаларнинг нафақат асарлари, маънавий мероси, шунингдек, уларнинг илм-фандаги фидойилиги, инсон ақлу идрокига ишончи ҳам ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди. Бироқ бу борада хали илмий изланишлар, буюк аجدодларимизнинг асарларини таржима қилиш, ёш авлодга етказишдек улкан вазифалар турибди. Масалан, юқорида номлари қайд этилган айрим алломаларнинг асарлари тор доирадаги мутахассисларга маълум. Демак, сиёсий, тарихий тафаккурни шакллантириш мақсадида олимларимиз кўп изланишлар, тарғибот ишлари олиб бориши даркор.

Ватанимиз мустақиллиги учун курашган маърифатпарвар-харизматик шахсларга жадид-мутафаккирлар ҳам киради. Моҳиятан улар жамиятдаги муносабатларни, қотиб қолган тартибларни, маориф, таълим-тарбия тузилмаларини ислох, қилиш, ўзгартириш тарафдорлари. Улар ичида миллий мустақилликка эришишни тарихий зарурият деб билган маърифатпарварлар ҳам бор. Буюк маърифатпарвар-хоризматик аجدодларимизни икки гуруҳга ажратиб, ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳга большевиклар тўнтаришидан кейин ўз она-Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган, бироқ миллий истиқлол ғояларини тарғиб этишдан, Ватан озодлигини кўриш умидидан воз кечмаган, хорижда яшашга мажбур бўлган ватандошларимиз, иккинчи гуруҳга, элитар тузум тазйиқлари, зўравонликларига қарамай, ўлка, миллат озодлиги учун курашган жадид-маърифатпарвар ота-боболаримизни киритиш мумкин. Моҳиятан ушбу икки оқим бир-бирига яқин, уларнинг иккаласи ҳам миллатни ўзлигини англашга, ҳур Ватан Туркистон учун курашга даъват этдилар. Шўролар тазйиқи туфайли чет элга кетишга мажбур бўлган, ижтимоий фанлар бўйича фан доктори, профессор илмий даражасига муяссар бўлган ватандошимиз Боймирза Хайит 1990 йилда шундай деган эди:

Туркистон тупроқлари Русия томонидан ишғол этилган миллатимиз зулмларнинг ҳар турини кўрди. Муҳожир ватандошларимизни шўролар мафкура- мудом ёмонлаб, уларни “акси инқилобчи”, “бой”, “осмачи”, “Ватан хоини”, “антисовет”, “халқ душмани:” деб атаб келди. Уларни бадном этувчи 126 та китоб, саноксиз мақолалар чоп этилди, радио ва телевиденияга

мунтазам “қарши тарғибот”лар уюштирилди.

Туркистонни хур, озод куришни истаган муҳожир ватандошларимиз орасида Боймирза Хайит, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Абдуқодир Инон, Мустафо Чўкай ўғли, Абдулла Ражаб Бойсуний, Иброҳим Ёрқин, Абдулвахоб ўқтой, Наим Ўктам, Тоҳир Чоғатой, А.Шокир Турон, Муҳаммад Амин Бутрон, Исо Юсуф Алптегин, Зиёвуддин Бобоқурбон, Солих, Эркинкул каби чет элларда юқори илмий даражаларга эришган истиклолчилар бор эди. Улар Туркистонни хур, озод, халқини маърифатли, илмли қилиш ҳақида куйиниб китоблар, мақолалар ёздилар, газета ва журналлар чоп эттирдилар.

Жадидчилик ҳаракати тўғрисида кейинги йилларда жуда кўп мақолалар, рисоалар ва тадқиқотлар эълон қилинди. Шўролар даврида уларнинг меросини ўрганиш у ёқда турсин, хатто исмларини тилга олиш ҳам мумкин эмасди. Халқимизнинг ўша даврлардаги тарихи ёш авлодга деярли қоронғу эди. Манбалар кўрсатадики, Махмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Садриддин Айний, Сайид Аҳмад Васлий, Хожи Мўмин янги мактаб очиш, адабиёт, илм-фан, матбуотни ривожлантириш тарафдорлари бўлиб чиқишди. Шу билан бирга, улар Туркистон мустақиллиги учун курашдилар. “Жадидчилик феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб миллий давлатчилик куришга ўринли, ягона мустақил Туркистон учун курашди ва миллий мустақиллик ғоясига асос солди, уйқудаги Шарқни уйғотишга ва ҳаракатлантиришга, озодлик, миллий ғурур ўзининг буюк ажодлари, бой маданияти ва умуман мустамлака тузумининг тазйиғи остида унутилган барча қадриятларини хотирлашга, халқни ўзлигини англашга ундади. Жадидлар таълимоти ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Жадидларнинг концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар амалиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг қамровли ислохотлар курсининг генетик асоси бўлиб хизмат қилди. Ҳақиқатан ҳам, жадидларнинг жамиятни янгилаш, Ватан тараққиётини илм-фан, замонавий маданият, халқаро интеграция ва эркин, мустақил ривожланиш қонунларига мувофиқ, йўлга қўйиш ҳақидаги ғоялари, назарда тутган ислохотлари ҳам илмий, ҳам

амалий аҳамиятга эгадир. Жадидлар ҳаракати бежиз кетмади. Сталинизм
фош этилганидан кейин XX асрнинг 60-йилларида жадидчилик адабиётини
ўрганиш бошланди. Лекин, бор ҳақиқат- айтиш имконияти бўлмади,
истиклол ғояларини илғор сурган буюк аجدодларимизнинг хизмати шеър,
асарлар ёзганини қайд этишдан иборат бўлиб қолди.

III боб. Мустақил Ўзбекистон халқи маънавиятининг тикланиш табиати сарчашмаси ва истиқболи.

3.1 Маънавий ўзликнинг тикланишидаги илдизлари билан боғланиш концепцияси.

1991 йил 31 август юртимиз тарихига олтин зархаллик харфлар ва энг мўътабар сўзлар билан ёзилиши муқаррардир. Бу кунни халқимиз деярли 150 йил кутди, бунинг йўлида не не инсонлар ўз ҳаётларини фидо этдилар. Не-не инсонлар бу кунларнинг орзусида армон ила ўтдилар. Ҳатто 80 йиларнинг сўнги йилларида ҳам мустақилликни кутиб куну тун шижоат билан, баъзан очик баъзан (мажбуран) яширин тарзда мустақиллик кунини яқинлаштиришга интилиб яшадилар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида жамиятимиз, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар билан банддек, фақат устимизни, қорнимизни, кундалик маиший ҳаётимизни йўлга қўйиш билан оворадек кўринади. Негаки ўша кунларда Совет иттифоқи кулаб, 70 йилдан ортиқ вақт давомида, жамиятда зўравонлик билан ўрнатилган мафкуравий ҳукмронлик тарихий ўтмиш қарига ғарқ бўлди. Унинг йўқолиши билан сиёсий тузимда катта ўзгаришлар қилишни талаб этадиган шароит вужудга кеди. Бундай ҳолатда давлат раҳбарлари, сиёсий фаоллар, жамиятнинг деярли барча оқил фикрловчи аъзолари бунга қаттиқ бел боғлаб ҳаракат бошладилар. Ўша вақтда кўзга кўринган ислохий ҳаракатлардан бири ва долзарби жамият сиёсий тизимини демократик асосларда қайта тиклаш ва тузиш зарурати бўлиб турарди. Аммо бунинг амалга ошириш жуда мураккаб, жуда нозик ва шу билан бирга қалтис вазифани ўзи ичига олар эди. Негаки жамият халқимиз учун тубдан янги жамият шакллантириши зарур бўлиб, шу билан бирга ўзлигини, тарихийлигини, қадриятларини, маънавий ва маърифий заминларини тиклаши ва улар негизида жамиятни ривожлантириши талаб этилар эди.

Сиёсий тизимни халқ маънавиятидан алохида кўриш, уни айрим тарзда сиёсий тартиб қилиб шакллантириш бу энг катта ва қалтис хато эканлигини инсоният тарихий тажрибаси кўрсатиб берган. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислон Каримов, ислоний йўналишларимиз концепцияларини ишлаб чиқар экан хар гал, янги босқичда албатта маънавий ва маърифий ўзлигимизга алохида эътибор бериб, унинг асосида йўл танлагани сир эмас. Президент И.А.Каримов асарларида шундай фикрларни қатор келтиришимиз мумкин: масалан, Ислоний йўналишимизнинг иккинчи тармоғи сифатида иқтисодиётни келтириш мантиқан тўғри бўлса керак. Бунда биз жахон ҳамжамияти иқтисодий шакли ва тарзидан келиб чиқиб биз ҳам, бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида ўз халқ хўжалигимизни шакллантира бошладик. Унда бозор иқтисодиёти қонуниятлари албатта биринчи галдаги тартиб сифатида белгиланди, мулкка нисбатан муносабатимиз, ишлаб чиқаришга муносабатимиз негизлари айнан кўпмулкчилик тарзида вужудга кела бошлади. Аммо бизнинг тарихан шаклланган ишлаб чиқариш усулларимиз, халқимизнинг минг йиллар давомида Буюк ипак йўли чоррахасида хаёт кечириш натижасида шаклланган иқтисодий рухияти. Иқтисодий муносабатларга ўз таъсирини бошқа ўтказган эътиқодимиз, минталитетимиз масалалари, хисобга олинмай янги иқтисодий муносабатлар қуриш мумкин эмас эди.

Аммо бизнинг иқтисодий рухиятимиз ўзига хослиги ва бошқалардан туб маънавий ва маърифий рухиятимиздан келиб чиқиб фарқ қилишини хисобга олиб иқтисодий ислонотларимизнинг пойдеворлари ҳам маънавий ўзлигимизга бориб тақалишини кўриш мумкин. Чунки халқимизнинг мулкка, бойликка, нарсепарастликка муносабати, биринчи галда маънавий қадриятларимиз қонуниятлари билан белгиланади.

Масалан, Президент И.А.Каримовнинг дастлабки асари бўлмиш “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли” китобининг биринчи бўлимида айнан биз олдимизга қўйган саволларга жавоб топишнинг

методологик негизлари берилади. Унда “�з йўлимизнинг шарт-шариотлари ва заминлари” масаласига эътибор қаратилиб бугунги кун йўлимизнинг мақсад муддаоси вужудга келган пойдеворий маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий, маданий асослари шакллантирилган давр ҳақида, шу жумладан заминлари ва уларнинг шакли ва шароити ҳақида ёзади. Жумладан асарда шундай сўзларни яъни “Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуши тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир.”³² ўқиб бевосита ва билвосита бугунги кун ишларимизнинг замини маънавий чашмаларимиздан ва уларга бошчилик қилган дарғаларга боғликлигини кўрамиз.

Бу фикр Президентимиз эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалларининг концептуал вазифаларида ҳам мунтазам кўриниб намоён бўлиб боради. ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг якунловчи 155–сессиясида сўзлаган нутқидаги айтилган сўзлар бунга яна бир бор эътиборни тортади. Унда “Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир бири билан узвий боғлиқ бўлган, умум инсоний тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шинли санани гувоҳи бўламиз”³³ - деб гапирилганда халқимиз на фақат ўз тарихи ёки бугунги куни, балки инсоният тарихига дахлдорлик ҳақида фикр кетмоқда.

Маънавий ўзликнинг тикланишидаги илдизлар билан боғланиш концепциясининг яратилиши фақат ният ёки хохиш билан эмас балки тарихийлик, халқнинг ўзлиги ва умуман инсоният цивилизациясига қўшилган хиссамиз билан ўлчанади. Президент Ислон Каримов юртимизда маънавий ўзлигимиз масалаларида белгилаган ҳар бир концептуал фикрини исбот далиллар ва тарихий заминлар билан асослаб боради. “Илгари ҳам бир

³² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент 1992 йил. 11 бет.

³³ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз бидан қурамиз. 7 жилд. Тошкент 1999йил. 193 бет.

неча бор таъкидлагинимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм замонида “Авесто” пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.”³⁴ Келтирилаётган фикрлар, исбот талаб қилмайдиган далиллар маънавий ўзлик концепциясининг вужудга келиш омилларини намоён этади.

Бунда, масалани чуқур ва кенг ўрганиш талаб этилар экан, биринчи галда албатта маънавий ўзликни келтириб чиқарган негизларга яъни маънавиятимизнинг сарчашмаларига бориш учун албатта тарихимизга мурожаат қилиш керак эканлигини кўрамиз. Сўнгра концептуал асос сифатида таъкидланган масала яъни тарихийлигимиз, уни шакллантирган ва ривожлантирган “маънавиятимиз жасоратлари” вакилларига яъни маънавият дарғаларига эътибор беришимиз зарурати намоён бўлади.

Маънавиятимиз дарғалари бўлмиш, тарихий шахслар, жамият фидойилари, миллат ва халқ намоёндалари, илм маърифат пешволари ва нихоят оддий кундалик ҳаёт вакиллари ҳақида гапириш мумкин. Аммо биз “Дарға” дея таърифлаб таъкидлаётган шахслар бу ўринда алоҳида ўрин тутиши ва эътиборга мойиллиги маънавиятимиз масалаларига қаратилган концептуал фикрларда алоҳида қораладилар. Буни Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият—енгилмас куч” асарининг тўртинчи “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” бобидаги “Инсон қалбига йўл” ва “Энг буюк жасорат”³⁵ бўлимларда келтирилган фикр ва муоҳазалар шунингдек келтирилган исм ва номлардан кўрамиз. Демакки бугун халқимизнинг маънавиятимиз Дарғаларига эътибори алоҳида таъкид билан қаратилган экан, уларни ўрганиш билан ва қадрлаш маърифатимизга замин бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда демократик ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва

³⁴ Каримов И.А. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавобдан.

³⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият —енгилмас куч. Тошкент 2008 йил.

маънавий-маданий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланган. Чунки демократик жараёнларни чуқурлаштириш орқали фуқаролик жамиятини барпо этиш Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ҳисобланади. «Бизнинг асосий узоқ, муддатли ва стратегик вазифамиз,-дейди Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида, - аввалигача қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»³⁶. Шу билан бирга, Президентимиз демократик жараёнлар осон кечмаслигини, демократик қадриятлар кишилар онги ва турмуш тарзи, фаолиятдан жой олиши дарров амалга ошмаслигини таъкидлайди. «Қўпчилик, -дейди у, - эски тузумни рад этиб, эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб, ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишнинг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлайди. Холбуки, бунга халқлар тарихи ўзгача. аччиқ ҳақиқатни тасдиқлайди иқтисодий ривожланган, тараққий топган мамлакатлар халқлари бугунги ҳаёт даражасига етиш учун, ўз ҳудуд-ҳуқуқдаридан, эркинликларидан ва бошқа неъматлардан тўлиқ фойдаланиш учун кўп-кўп йиллар, балки юз йиллаб тинимсиз ва машаққатли меҳнат қилганлар».

Публицист олим Н.Жўраев мавзуимизга доир муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрни айтган эди: «Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоялашни жамиятнинг ўзи англамоғи даркор». Демак демократик жараёнларни бошқариш зарурлигини жамиятнинг ўзи англаб етмоғи, демократик қадриятларни ҳаётга татбиқ қилишни халқ, миллатнинг ўзи амалга оширмоғи лозим. Аслида халқ, миллатни ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ўзгаришларга жалб қилиш концепцияси

³⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент 2008 йил.

негизиди ҳам ушбу фикр ётади.

Миллий (маънавий) ўзликни англаш эркин яшаш меҳнат қилиш, тазйиқларсиз ўз ҳаётини ташкил этиш ва боқариш заруриятидир. Эркинлик демократик қадрият ҳисобланади. Халқ, миллат ўзлигини англашга интилганида, энг аввало, ўзининг қарамлигини, қандай қилиб ундан қутулиш ва эркин яшашини ўйлайди. Бу охир-оқибатда уни нафақат мустақил бўлишга, шунингдек, демократияни ҳаёт тарзига айлантиришга олиб келади.

Демократик қадриятларнинг қарор топиши билан мустақиллик том маънодаги эркинликка айланади. Шунинг учун Республикамизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар мустақилликнинг тарихий-тадрижий давомидир. Шундай ёндашилгандагина миллий тараққиёт, демократик жараёнлар ва миллий (маънавий) ўзликни англашни бир-бирига диалектик боғлиқ, ижтимоий воқелик сифатида қараш мумкин.

«Демократия» сиёсий-фалсафий тушунча сифатида халқ ҳокимиятчилиги, сайлов тизими, инсон ҳуқуқлари, ҳурфикрлилик, виждон эркинлиги, парламентаризм, сиёсий онг, сиёсий маданият, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, эркин яшаш тарзи каби ранг-баранг ҳодисаларни ифода этади. Кўриниб турибдики, демократия ижтимоий-сиёсий фаолият, бошқариш билан боғлиқ хатти-ҳаракатдир. Миллий (маънавий) ўзликни англаш эса ижтимоий онг, тафаккур шакли ҳисобланади. Миллий тараққиётнинг мақсади эса ушбу жараённи, яъни ижтимоий онг шакли (субъектив омил) ва демократик жараён (объектив омил)ни уйғунлаштиришдир.

Миллий (маънавий) ўзликни англашнинг йўналтирилганлик хусусияти демократик жараёнларга моҳият бахш этади. Демократиянинг қай тарзда, қандай усул ва йўллар билан қарор топтириш миллий (маънавий) ўзликни англаш хусусиятлари орқали белгиланади. Масалан, Ўзбекистондаги демократик жараёнларнинг шарқона ахлоқ, одоб нормаларига мувофиқ кечиши ва миллий маданий-тарихий тажрибаларга таяниши зарурлиги миллий (сиёсий, маънавий) ўзликни англашнинг талабидир. Ушбу талабни

демократик ўзгаришларни жамиятга зўрлаб сингдириш халқ, миллат бошига оғир кулфатлар келтириши мумкин эди. Шунинг учун «ўзбек модели»да халққимизнинг тарихий-маданий ва ижтимоий-демографик ўзига хослигини ҳисобга олиш назарда тутилади.

Ўзбекистонда кечаётган демократик жараёнлар билан маънавият, маънавий ўзликни англаш ўртасида қандай алоқадорлик бор? Демократия ижтимоий-сиёсий ҳаётга йўналтирилган воқеълик, уни маънавият билан эмас, балки сиёсий ўзликни англаш, сиёсий маданият, сиёсий онг билан боғлаб тадқиқ қилиш лозим эмасми?

Ҳақиқатан ҳам, демократия, демократик жараёнлар мавзуини сиёсий ўзликни англаш билан боғлаб ўрганиш мантиқан тўғри бўлар эди. Шу маънода, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар шарқона характер, моҳиятга эга. Шарқона демократия деганда, энг аввало, инсон хатти-ҳаракатлари, ижтимоий муносабатлар, жамият ва давлатни бошқариш ахлоқ, одоб, инсонпарварлик, эзгулик принципларига, яъни маънавият асосига қурилганини назарда тутамиз.

Ахлоқ, одоб, иймон, эзгу амаллар билан яшаш бугун жамиятга тааллуқли қадриятлардир. Уларга қадимда оддий фуқаро ҳам, подшоҳ (шоҳ, хон) ҳам риоя этган. Масалан, Низомулмулк ёзади: «Агар подшоҳ раиятдан юқори туришни хоҳласа, ўз ахлоқини яхши фазилат ва хислатлар билан безатиши ва ёмон хислатлардан узокда бўлиши зарур. Улар ёмон хислатлар - хукд (нафрат), хасад, ғазаб, шаҳват, ҳирс амал (ёмон иш, латтожлик (эзмалик), ёлғон, бахл, бадфеъллик, зулм, ўзбилармонлик, шошилиш, носипохлик, енгилтаклик, яхши фазилатлар эса ҳаё, яхши хулқ, ҳалимлик, кечириш, тавозе, саховат, сабр, сидқ, шукр, раҳмат, илм, ақл, адлдир³⁷.

Хусайн Воиз Кошифий (1440-1505) фикрича: «Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси - яхшилик, иккинчи - инсофли бўлиш, учинчи - одамдан айб қидирмаслик, тўртинчи - бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчи - бир одам ўз айбига иқрор

³⁷ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Тошкент 1997. 67 бет.

бўлиб узр айтса, узрини қабул қилиш, олтинчи—бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттинчи—фақат ўз манфаатларинигина кўзламаслик, саккизинчи - очик юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчи — мухтожларнинг хожатини чиқариш, ўнинчи - мулойим ва тавозеъли бўлишдир»³⁸.

Инсоний фазилатлар фақат маънавий ҳаётга эмас, балки жамиятнинг барча соҳаларига ҳам таъсир этади. Бундан ижтимоий-сиёсий ҳаёт, бошқариш ишлари, ҳукмдорлар фаолияти ҳам истисно эмас. Муҳаммад Камол ҳукмдорларни эзгуликка, адолатга чақириб шундай ёзади: «Инсонийлик шафқат ва марҳамат билан бошланади ва ниҳоясига етади. Инсонийликнинг асли шафқат ва марҳаматдир».³⁹ Демократия жамият ва давлат ишларини бошқаришда, халқ билан давлат (ҳукмдор, сиёсий институтлар) ўртасидаги муносабатлар, алоқаларни йўлга қўйишда яққол кўзга ташланади. Шарқона демократия ҳукмдор ва амалдорларнинг адолатли иш юритишида, халқ фикри, истаклари ва ахволини ҳисобга олиб, давлатни бошқаришидадир. Низомулмулк: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар оқбатин ўйлаб, кўрқиб, бедодлик қилмайдилар»⁴⁰, - дея қайд этади.

Адолат билан иш юритиш мамлакатда тартиб ўрнатишнинг бош омили эканини Амир Темур ҳам яхши билган. Унинг «Куч-адолатдадир» шиори шарқона демократиянинг моҳиятини ифода этади, дейиш мумкин. Соҳибқирон «Ҳукмдорнинг ҳар бир ҳаракати халқнинг тақдири билан боғлиқ, деб тушунган ва имкон қадар низоларни келишиш йўли билан ҳал этган. У шундай деган: «Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо

³⁸ Алишер Навоий. Ҳикматлар. Тошкент 1985. 41 бет.

³⁹ Шарқ донишмандлари ҳикматлари. Тошкент 2006. 139 бет.

⁴⁰ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сир ул-мулк. Тошкент 1997. 20 бет.

подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асоси мана шу авом эканлигини унутмаслиги керак.

Амир Темур ана шу тушунчаларни фалсафий-сиёсий қадрият сифатида қабул қилган ва давлатни бошқаришда ана шу мақсадга, яъни халқ тинчлиги, эркинлиги, адолатни таъминлашга ва қафолатлашга интиingan»⁴¹.

Амир Темурнинг адолат, тартиб, халқ, эл манфаатларига хизмат қилиш давомидаги ўғитлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, чунки уларда халқимизнинг азалий орзу-тилаклари, ўйлари мужассам. «Хурматли ҳокимлар, раҳбарлар, - дейди Президентимиз И.А.Каримов эл, юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун масъул шахсларга карата,—шуни унутмангки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон — шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир.

Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олдими, оёғи ердан узилдими, иймон- иродаси сусайдими, билангки, вилоятда ёки туманда муҳит бузилади. Одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, миш-мишлар, шу билан бирга, уйдирмалар ҳам кучайиб кетади. Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гуруҳбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат лом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишимизга ҳалақит берадиган тўсиқда айланиб қолади»⁴². Демак, адолат, тартиб нафақат бошқариш ишларини тўғри йўлга қўйиш, шу билан бирга, ижтимоий-маънавий муҳитга ҳам таъсир келади.

Шарқона демократиянинг ахлоқ, одоб, эзгулик, инсонпарварлик асосига қурилиши маънавий ўзликни англашни, унинг негизидаги маънавий-ахлоқий қадриятларни миллий демократик тараққиётнинг шартига айлантиради. Чунки маънавий ўзликни англаш, энг аввало, ахлоқ, одоб, инсонпарварлик каби шарқона гуманистик меросдан келиб чиқади ва унга таянади.

⁴¹ Ўлжаев Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. Тошкент 2005. 225 бет.

⁴² Каримов И.А. Миллат қудрати-ҳамжихатликда. Ҳалқ сўзи . 1999.

Шарқ сиёсий фалсафасига кўра, ҳукмдор ўз фаолияти даврида фуқароларининг ҳуқ-атворлари учун Аллох олдида жавобгардир. Ушбу масъуллик уни фоний дунё неъматларига берилмасдан Худо олдида ҳам, халқ олдида ҳам пок, софдил, беғараз яшашга ундайди. Низомулмулк ёзади: «Худованди подшохи олам биладики, шу буюк кун — қиёматда унинг қўл остида бўлган халойиқ жавобини ундан сўрайдилар»⁴³.

Миллий (маънавий) ўзликни англаш дам илохий масъулликни унутолмайди. Биринчидан, маънавий ўзликни англаш маънавий-руҳий эҳтиёждир. Ақлу идрок уни эркинлик эрк тарзида англаса, қалб, рукуни юксакликка, олижанобликка, етукликка етиш йўли деб билади. Иккинчидан, маънавий борликда тарихий-тадрижий боғлиқлик, узвийлик устувордир. Агар аجدодларимиз илоҳийликка ишонган, унга умид билан талпинган экан, миллий (маънавий) ўзликни англаш ҳам унга таянади. Учинчидан, инсон мудом ўзидан юқорироқ, покрок, улуғворроқ, абадий бир нарсага қалби, бутун борлиғи билан талпиниб яшайди. Ушбу субъектив идеал, маънавий андоза унга Худо тимсолида намоён бўлади. Бу уни салбий хатти-ҳаракатлар, ёвузлик, ахлоқсизликдан асраб, хуш амалларга, эзгуликка, маънавиятга чорлайди. Бу шунчаки ўткинчи психологик ҳолат эмас, унинг негизи аجدодларимизнинг маънавий-спиритуалистик изланишлари, транцендентал тажрибаларига бориб тақалади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий тузумни, унинг институтлари, тузилмалари, бошқариш усулларини ислоҳ қилишдангина иборат эмас, албатта, улар кишиларни эски қарашлар, боқимандачилик кайфиятидан халос қилиб, уларнинг онгида туб ўзгаришлар ясашни ҳам назарда тутаяди. «Дарҳақиқат, то маънавий камолотга етмагунча, то хатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақл идрок ва умумий манфаат доираси билан чегараланмагунча демократиянинг мазмуни ҳам, кўлами ҳам кутганимиз даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги ва дунёдарашини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишимиздан лоқайдлик ва

⁴³ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сият ул-мулк. Тошкент 1997. 20 бет.

боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда миллий давлатимиз, миллий Ватанимиз истиқболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб, узоқ муддатли жараён билан боғлиқ»⁴⁴.

Хўш, ушбу мураккаблик, узоқ муддатлик вазифалар нималарга бориб тақалади? Бизнинг фикримизча, улар куйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, онг консерватив ҳодиса эканлиги туфайли унинг янги қарашлар, тамойиллар, айниқса, эски ёндашувлардан воз кечиши қийин. Зоҳирий дунёни қайта қуриш осон, аммо ботиний дунёни ўзгартириш мушкул вазифа. Бунинг учун эски ёндашувларнинг зарарли томонларини асослаш, янги ғояларни яратиш, ишлаб чиқиш, янги мафкурани тарғиб этувчи, объективлаштирувчи кучларни тўплаб, уларнинг интеллектуал салоҳияти, асосий фаоллигидан самарали фойдаланиш зарур.

Маънавий ўзликни англашга дам консервативлик хос. У демократик ўзгаришларга тез мослашиб кетавермайди. Айрим кишиларда эса у ғайридемократик кўринишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, оиладаги эркак ва аёл муносабатларини олайлик. Давлатимиз аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрганига қарамай, нафақат оилада, шу билан бирга, ижтимоий давраларда ҳам аёлнинг эркак билан тенг эмаслигини ёлловчи фикрлар тарғиб қилинмоқда. «Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин, - деб ёзади Ўзбекистонда аёллар муаммоларини махсус тадбиқ этган С.Сафаева, - аёл мавзуси у ёки бу даражада ёритилмоқда. Бу чиқишларда меҳнаткаш аёл образи билан ёнма-ён мудом таъзимдаги келинчак, бешик бошидаги жувон, кўплаб келин, неvara-чеваралар даврасидаги онахон, хўжалик юмушларига андармон бека ва хоказолар ифодаланмоқда. Радио ва телевидениянинг миллий ўзликни англашга бағишланган эшиттириш ва кўрсатувларида эса тортинчоқ, уятчан, ота-она йўриғидан чиқмайдиган илдизлар, уйнинг одила ва ғамхўр бекаси сифатида тасвирланадилар. Матбуотда бу масалада тахлилий ва танқидий ма-

⁴⁴ Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тошкент 1999. 151 бет.

териаллар жуда кам бўлиб, уларда ҳам аёлларнинг ижтимоий муаммолари деярли тилга олинмайди. Танқидий мулохазалар бор мақолалар эса, ё эскича қарашни ифодалайди, ё бўлмаса, Шарқ ва Ғарб аёлларининг бирон-бир соҳада тенг бўлиши мумкин эмаслигига қаратилган. Бундай мақолалар муаллифлари, одатда, хатто, аёллар ҳуқуқи поймол этилганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзиб туриб ҳам вазиятни ҳуқуқий жихатдан эмас, ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаб, ўзбек аёлини анъанавий йўл-йўриқлар асосида тарбиялашга уринадилар. Онгдаги консервативликни бартараф этишнинг энг самарали йўлларида бири жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид қонунлар қабул қилинган, энди улардан фойдаланишни ўрганиш ҳам даркор. Бу Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш шарти саналади.

Иккинчидан, Ўзбекистон том маънода демократик қадриятларни ҳаётга татбиқ этиш ва уларни фуқароларнинг дунёқараши, ҳаёт тарзи, ижтимоий борлигига айлантириш имконига мустақилликдан кейингина эришди. Демак, юртимизда демократик жараёнларнинг бошланганига ҳали кўп вақт бўлмади. Шундай экан, «тўлиқ демократия»ни талаб этиш, Ўзбекистондаги демократик институтлар фаолиятини илғор давлатлардаги тажрибаларга қараб баҳолаш ўринли эмас. Тўғри, айрим фуқароларимиз республикамызда демократик ўзгаришлар янада жадал, кенг ва чуқур боришини истайдилар. Шу сабабли улар давлат институтларининг фаолиятини, сиёсий партияларнинг сусткашлигини, нодавлат ташкилотлари тармоқларининг кенгаймаётганини танқид қиладилар. Лекин бундай шошма-шошарлик, бир зарб билан илғор давлатлар даражасига кўтарилиш истаги тадрижий ривожланиш қонуниятларига зид. Айрим шахс, гуруҳга у ёки бу қадриятлар, тушунчаларни куч билан сингдириш мумкин, лекин бутун жамият, халққа нисбатан бу усулни қўлаб бўлмайди. Демократия зўравонлик билан эмас, балки ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ички қонуниятларига мувофиқ қарор топиши лозим. Ана шундагина халқ қалби ва ҳаёт тарзидан жой олиши

мумкин. Шунинг учун халқ демократияни ўзининг-маънавий тараққиёти асоси, ўзлигини намоён қилиш ва юксалтириш шарти сифатида идрок этмоғи даркор. Бозор иқтисодиётини жорий этиш муаммолари ҳақида фикр юрита туриб, Президент И.А.Каримов шундай дейди: «Ўзбекистон халқининг миллий рухиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликларга, кадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгаришларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатиди этнопсихологияга мос келадиган ўзгаришлар, инновациялар ижтимоий ҳаётда намоён бўлади»⁴⁵.

Учинчидан, миллий (маънавий) ўзликни англаш, энг аввало, халқ миллатнинг ижтимоий-сиёсий онги юқори вакиллари тафаккурида шаклланади. Биз мустақилликка халқимиз, миллатимизнинг барча вакилларида миллий ўзликни англаш юқори даражага кўтарилиб, йирик, умуммиллий ижтимоий-сиёсий воқеяликка айланган бир пайтда ўтганмиз, деб айтолмаймиз.⁴⁶ Хатто истиқлолга эришгандан кейин ҳам миллий (тарихий, сиёсий ва маънавий) ўзликни англаш барча фукароларимизга хос тафаккур даражасига кўтарилмади. Аксарият кишилар ҳануз миллий ўзликни англаш моҳиятини билмайдилар, уни ўта содда, яъни ўзини ўзбек миллати вакили эканини билишдан иборат, деб тушунадилар. Бу ҳол кишиларнинг демократик жараёнларга муносабатига салбий таъсир этмай қолмайди, албатта. Демак, кишиларда, айниқса, ёшларда, миллий (тарихий, сиёсий, маънавий) ўзликни англашни юксалтириш Республикамизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш кафолатидир. Демократик ислохотларни ўз тақдири, ҳаётига тааллуқли воқеялик, зарурият сифатида қабул қилмайдиган киши уларда фаол қатнаша олмайди.

⁴⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд. Тошкент 1996. 293 бет.

⁴⁶ Отамуротов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. Тошкент 2005. 63 бет.

Тўртинчидан, демократиянинг тўла қарор топиши учун шахс ўзини ҳам иқтисодий, ҳам маънавий эркин сезиши ва ушбу эркинликлари ҳуқуқ институтлари томонидан кафолатланишини идрок этиши лозим.

Кишининг демократик жараёнларда катнашиши унинг маънавий қадриятларига, ўзини маънавий-руҳий нуқтаи назардан эркин сезишига ҳам боғлиқ. Аслида, маънавий ўзликни англаш маънавий эркинликка интилиш, уни зарурият, эҳтиёж сифатида идрок этишдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок кишиларимизни тоталитар тузум тазйиқидан, маъмурий буйруқбозлик таъсиридан, инсон шаънини камситувчи, топтовчи ижтимоий-ҳуқуқий идоралардан қўрқиш инстинктидан, компартия ташкилотларининг идеологик ҳукмронлигидан халос қилиб, уларни ўз кучига, ақл идрокига ишониб, озод ва обод Ватан, эркин ҳамда фаровон ҳаёт барпо этишга ундади. Фуқароларимизда ўзининг ақлу идроки, интеллектуал салоҳияти, яратувчанлик кучи - маънавиятга ишонч уйғонди. Тўғри, мазкур ишонч аста-секинлик билан объективлашиб бормокда. Айни пайтда, бу жабҳада аҳли бартараф этилиши зарур бўлган тўсиқлар ҳам мавжуд. Аммо халқимиз, фуқароларимизда миллий (тарихий, сиёсий, маънавий) ўзлигини англаш ва намоён этиш истаги барқарор қадриятларга айланиб бораётганини сезмаслик мумкин эмас.

3.2. Маънавият ва маърифат уйғунлигидаги халқимиз маданиятининг тикланиш йўналишининг назарий ва амалий жихатлари.

Юқорида айтганимиздек маданият моддий ва маънавий жихатларга бўлинишини шартли тарзда олиш мумкин. Вахоланки уларниг ўртасида ҳам моддий ҳам маънавий маданиятга мансуб ҳолатларни ҳам кўрамиз. Масалан саънат асарларини, хайкалтарошлик, рассомчилик, халқ ижодий ишларига мансуб йўналишдан, (қўғирчоқ, ўйинчоқ, зийнат буюмлари, каштачилик ва х.к.) ва бошқаларни келтириш мумкин. Бунда эътиборимизни жалб қиладиган ҳолат шундаки, улар ҳар жихатдан маънавиятимизни бир элементи сифатида уни тўлдиришга, уни бойитишга, жамият аъзоларини жалб қилиш ва маънавиятини шаклланишига мислсиз ҳиссасини қўшади. Демак маънавиятни иккига бўлган ҳолда уни тўлдирувчи жихатларини ҳам эътибордан четта қолдириб бўлмайди. Бу маънода биз таъкидламоқчи ва алоҳида айтмоқчи бўлган масала бу маънавиятнинг маърифатсиз бўлиши мумкин эмаслигидир. Инсон, одамийлик, инсонпарварлик ва бошқа барча хис туйғулари, фазилатларини ўзаро муносабатларни ижтимоийлашуви туфайли вужудга келтирган. Инсон, одам бўлиш учун биринчи галда ўзлигини англаган ҳолда уни сақлаш, шакллантириш ва ривожлантиришга уринган экан, бу ҳаракатлар уни инсонпарвар бўлишга етаклаган. Шу туфайли у дунёдаги ўзга махлуқотдан ажралиб борган, тўғри диний таълимотларда бу оддийроқ ва содда қилиб “яратилганлик”, “ўргатилганлик”, “кўрсатилганлик” ҳақида фикр кетади, биз бу масала билан мунозара қилмоқчи эмасмиз. Аммо бу фикрда ҳам инсонда маънавий ўзликни шаклланишида “илохий” маърифат мавжудлигини айтмоқчимиз. Демак инсонни одам қилган жараён бу дунёвий ҳолатда ҳам диний таълимотларда ҳам маърифат, тарбия, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтаётган хат тажриба экан.

Улуғ мутафаккир Рўдакийни фикрини кўп ҳолларда ўқитувчилар, муаллимлар қайтарадики, унда маърифат ҳақиқатига деярли тўла баҳо

берилган. Ундаги ғоя умуман маърифат нима деган саволга жавоб бўлса керак яни “Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим” дейилганда “муаллим” ёки “ҳаёт” алоҳида таъкидланиб уларга баҳо берилаётгандай кўринсада аслида гап фақат ва фақат таълим, маърифат ҳақида кетмоқда. Инсон одам бўлиши учун унга биринчи галда атроф муҳит, жамият ва ўзгалар билан муносабат алоқа бўлиш зарурлиги таъкидланади, шундагина у одам, киши сифатида кўринади. Акс ҳолда унинг бори ҳам йўғи ҳам ҳеч кимга қизиқ эмас.

Шу зайилда фикр қилинган ҳолда биз маънавият ва маърифатни ўзаро боғиқлигини яна бир бор таъкидлашга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари инсонни одам қиладиган табиат бўлар экан унинг яшаш тарзини шаклланишида катта рол ўйнаган ҳам табиатдир. Масалан инсонлар муносабати ёки яшаш тарзи, маданияти табиат яратган шароитга қараб вужудга келиб шаклланиб шу тарзда ривожланиб бугунги юксак тарзга кирди. Маданият инсоннинг маънавий ва маърифий ҳаётида асосий ўрин тутиши барча жабҳаларида намоён бўлади. Демакки, маданият халқнинг ҳаёт жабҳаларини барча тарафларини ўз ичига олар экан уни таҳлил қилишда уни ўрганишда ҳеч нарсани эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Биз ўз ишимизда имкон қадар маънавиятимизнинг сарчашмаларини эътиборга олган ҳолда уларнинг юксалишимиздаги дарғалиги сифатларига эътибор берган ҳолда, маънавият ва унинг омили бўлмиш маърифатга ҳам алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилдик.

Маънавиятни маърифатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, ваҳоланки маънавият инсондан инсонга фақат маърифат орқали ўтади. Сиёсат, иқтисодий омиллар, ижтимоий муносабатлар моддий нарсалар, таъсирлар, таъйиқлар, зўравонлик, алдов, уқтириш, ишонтириш, мажбурлаш ва бошқа шунга ўхшаш йўл ва усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлса, маънавиятда бу усулларнинг бирортаси иш бермаслиги ва қўл келмаслиги аниқдир.

Демак маънавият фақат маърифат билан, эзгу ниятлар, порлок интилишлар, фидоий ҳаракатлар натижасида содир бўлиши мумкин. Дунёвий таълим тарбияда ҳам, диний даъват ва тарғиботда ҳам фақат маънавият маърифат орқали, тарбия орқали содир бўлади. Инсонни инсонпарварга айланишидаги асосий омил маърифат эканлигини барча изланишлар барча маълумотлар исбот қилиб бериб турибди.

Масалан: Маънавият ва маърифат уйғунлигидаги халқимиз маданиятининг тикланиш йўналишининг назарий ва амалий жихатларига мустақиллик даврида содир этилаётган, таълим тизимидаги ислохотларни бевосита айтишимиз мумкин. Бугун юртимизда таълим тизимида содир бўлаётган ислохий ўзгаришлар Ислом Каримов “Ноу хау”си деб дунё ҳамжамияти томонидан тан олинishi бежиз эмас.

Тарихан қадим қадимдан Ўрта Осиё ҳудудларини “Минг шаҳарлар мамлакати” ёки “Беш ёшида мактаб кўрган” ибораларини бошқа халқлар ёзма манбаларидан топамиз. Демакки таълимга, маданиятга, маърифатга алоҳида эътибор берилгани ўзга юртдан келганларнинг ҳам нигоҳига тушганидан даракдир. Бундай маънавиятга эга халқнинг маънавияти ҳам юксак бўлиши даркор, шундагина жаҳон эътиборини торта оладиган маданият вужудга кела олади. 1998 йил Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовга ЮНЕСКО ташкилотининг “Ибн Сино номидаги олтин медали” топирилганининг ҳам асл моҳияти юртимизда, собиқ Совет тузими вақтида унитилишга маҳкум тарихимиз яна қайтадан тўла тиклана бошлади. Жаҳон цивилизацияси тарихи Марказий Осиёда “йўқотган” воқеялигини очиш имкониятига эга бўлди, Буюк Ипак йўли тарихи, Амир Темур даври воқеяликлари ҳолисалилло очишга имконият пайдо бўлди. Буларнинг барчаси халқимиз маданиятининг маънавий ва маърифий уйғунлиги юқори даражада эканлигини намоён этади.

Биз мустақилликнинг кадр-қиммати аҳамиятини босиб ўтилган йиллар билан эмас, балки мана шу даврда қилинган амалий ишлар салмоғи орқали

теран хис этамиз. Истиқлол туфайли азалий одатларимиз, миллий анъана кадриятларимиз қайта тикланди.

Инсоният тараққиётининг ҳар бир даврида маънавий камолот масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки мамлакатнинг тараққиёти бевосита маънавият ривожига боғлиқ. Маънавиятнинг ҳар томонлама юксалиши жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожига тўла асос бўлиб хизмат қилади.

Шахснинг маънавий юксалиши унинг ижтимоий фаоллигини оширади ва жамият тараққиётини тезлаштиради. Юртбошимиз И.А.Каримов тариққиётнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур англаган ҳолда “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қонуниятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”, деб таъкидлагани бежиз эмас, албатта дарҳақиқат, маънавиятни юксалтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири, келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар қалби ва онгига бой маънавий меросни сингдириш асосида баркамол авлодни шакллантириш ўта муҳим вазифадир. Чунки мустақиллигимиз келажаги халқимиз олдида турган улкан мақсадларга эришиш аввало ёшларимизга, уларнинг ҳар тамонлама маънавий камолат сари интилишга боғлиқдир.

Мустақилликни дастлабки йилларидаёқ юртимизда маънавиятни юксалтиришга жуда катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, иқтисодиётни ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни жаҳон сиёсати сахнасига олиб чиқиши каби улкан вазифаларни маънавий камолотни юксалтирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Шу боис мустақиллик йилларида маънавиятни юксалтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди, жумладан миллий тарихимизни, халқимизнинг ғурури бўлган ўнлаб юзлаб буюк алломалар хотирасини қайта тиклаш, миллий анъана ва маросимларни эл-юртимизга қайтариш каби хайрли ишлар амалга оширилди. Ана шу маънавий камолот сари ташланган қадам,

мамлакат тараққиётини таъминловчи ёш авлодни маънавий камол топтириш, янги тафаккур сохибларини тарбиялаш жараёнида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамалакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашида маънавий етук ёшларни тарбиялаш, уларнинг рухий покланиши, юксак онгу тафаккурга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу жihatдан қараганда юртимизда маънавий камолот сари одимлашда қуйдаги омилларга алоҳида урғу бермоқ керак:

Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшишига ақл, идрок ва заковатини кенгайтириб, мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, миллат шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Хар бир миллатнинг ўз маънавиятини чуқур англаши, онгининг таркибий қисмига айлантириши миллатнинг бўлган ишончини мустаҳкамлайди, эътиқод ва қадр хиссини бойитади.

- Буюк мутафаккир ва маърифатпарварларнинг тарбияга оид қарашларини ёшлар онгига сингдира бориш:
- Янгича тафаккур ва янгича фикрлаш туйғуларини шакллантира бориш:
- Миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида урғу бериш:
- Тарихий қадриятларга хурмат билан қараш туйғуларини шакллантира бориш:
- Ёшлар онгида бунёдкорлик ғояларини шакллантира бориш:
- Мустақиллигимизни, истиқлолимизни хис этадиган, ўзлигини англаб етган ёшларни тарбиялаб бориш:
- Давлатимизнинг ақл-заковат ва илм борасидаги олиб борилаётган сиёсатини мазмун-моҳиятини англаб етиш туйғуларини шакллантира бориш:

- Янги жамиятни қуриш, унда яшаш, ишлашни биладиган ёшларни тарбиялаб боришни таъминлаш:
- Мустақиллик йилларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни мазмун моҳиятини англаб етишни таъминлаш:
- Маънавий-мамурий соҳаларда ўтказилаётган ислохатларни тўғри мазмун моҳиятини англаб боришни таъминлаш:

Хуллас маънавиятни юксалтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлса, келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар қалби ва онгига бой маънавий меросни сингдириш ундан ҳам улуғвор вазифадир.

Хулоса.

Маънавият ва маърифат инсон хислати, хусусияти ва фазилатининг энг улуғ хиссиётларидандир, буларсиз инсон одам бўла олмайди, одам бўлсада олийжаноб бўла олмайди, олийжаноб бўлсада, улуғ зот бўла олмайди. Айнан шу фикрдан келиб чиқиб, жамиятлар ижтимоий муносабатлар қоидаларини, маънавий жихатлар мезонларини, маърифат талабларини яратганлар. Кишиларнинг бундай жихатлари шаклланиши ва ривожланиши биринчи галда инсонларнинг ўзларига боғлиқдир, бу фазилатларнинг келиб чиқиш омилларидан бошлаб токи уларни шаклга келиши, атрофдагилар томонидан қабул қилиниши, ҳаёт талабларига айланишига қадар маълум фаолиятлар содир этилиши зарур. Кишилар фаолияти ҳар бир хатти ҳаракатининг дебочаси, бошланиши, бизнинг тадқиқотимиз йўналиши билан айтганда чашмаси ва сарчашмаси мавжуд. Бу бошланишнинг тарихийлигини, келиб чиқиш табиатини билиш, тўғри тушуниш, баҳолай олиш ҳозирда уларнинг қандай шаклга келганини, ҳаёт амалиётига таъсири ва истиқболда нималарга олиб бориши мумкинлигини тушунтиради.

Тушуниш, идрок қилиш, тафаккур этиш инсонга хос ва фақат унга берилган хислат, демакки одам онгина бунга имконият беради. Шундай экан ҳаёт маънавий маърифий фаолиятини паст баландларини тушуниш учун мия фаолияти, одам онги идроки, тафаккури зарур. Буларни тушуниш учун ҳар бир фикр қилувчидан биринчи галда идрок талаб қилинса, иккинчи навбатда тафаккур ривожини ихтиёр этилиши сўралади. Бунинг сабаби, инсоннинг калби ва руҳи хиссиётлари ва улар негизидаги фазилатларини тушуниш учун хиссиётлар мажмуаси фаолиятини кузата билиш зарур. Инсон маънавий фазилатлари келиб чиқиш табиатига умумий ва хусусий ёндошганимизда уларнинг табиатига биринчи галда инсонийлик, инсонпарварлик фазилатлари шаклланишини ўрганиш орқали эриша оламиз. Демак маънавий фазилатнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиши инсон психологик кечиналари, уни атроф муҳитгагина эмас ўзаро муносабатларга эътиборидан келиб

чиқади. Умумий ёндошганимизда одам психологиясининг атроф мухит, табиат, иқтисодий имкониятлар, яшаш шароити, иқлим таъсирлари асосий ҳар бир халқда ўзига хосликни кўрамиз. Хусусий ёндошганда Ўзбекистон халқининг хислат, хусусият ва фазилатлари алоҳида ҳолатда кўзга ташланишини кўрдик. Айниқса маънавий хислатлар бунда яққол намоён бўла олади. Инсон маънавиятининг сарчашмалари дастлаб инсонларнинг бир бирларига нисбатан меҳр мурувватининг ибтидоий шакллари вужудга келишидан бошланган бўлса, улардаги хислат ва фазилатларнинг ривожланиши, юкалишида дарғаларнинг роли ва ўрни яққол намоён бўлиб тобора ўз ўрнини маънавий жихатдан ва маърифий ҳаётда топа бошлагандан кенгайиб ва чуқурлаша борган. Бу масаланинг анталогиясига эътибор бериб қаралса дастлаб оддий етакчилик, уруғ оксоқоли ёки кучли ҳарбий ҳимоячи бўлган бўлса, секин аста одамийлик, инсонийлик, инсонпарварлик хислатлари қўшилиши туфайли деярли барча ҳаёт жабҳаларини қамрай борганлигини кўрамиз.

Албатта инсонга мансуб барча маънавий масалаларни кечаги ва бугунги куни ҳақида мухтасар фикр ва маълумотлар жамият аъзоларига кенг ва очиқ таниш бўлиши даркор. Сир ёки яширин жихатда бўлганлари қанчалик мукамал ва зўр бўлишидан қатъий назар тарих қарига ғарқ бўлиб кетади. Негаки бундай сирли ёки яширин ғоя, фикрлар жамият ҳаётига сингиш имкониятидан маҳрумдир. Шу боис маънавият масалалари доимо ва мукамал ҳолда жамият маърифати билан бир бутундек содир бўлади ўрганиб боришни ҳаётни ўзи таминлайди. Бу ҳар бир халқнинг тарихий ўзлиги ва маънавий ворислиги билан боғлиқ жараёндир.

Маънавият фақатгина инсонни ҳар кунлик ҳаёт тарзига таъсир қилибгина қолмай унинг ўзлигига хос фазилатлар ичида энг улуғи, етакчилик имкониятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Юқорида бу масалага тўхталганимизда биринчи навбатда инсон, одам, киши каби сўзлар билан уни “шахсни” ифодалашга уриндик. Ваҳоланки инсоннинг маънавий

етакчилиги бундай ёндошиш билангина тўла очилиш имкониятини бермайди. Демакки бунда ишимизда таклиф этаётгандек инсон маънавияти фазилатларига ёндошганимизда унинг маънавий хислати, хусусияти ва фазилатининг келиб чиқиш тарихини табиатини ўзгартирмай баҳо бера олмаймиз. Шу боисдан ҳам халқимиз маънавиятининг кеча ва бугунига алохида эътибор бериб ёндошдик.

Маънавий ўзликни тикланиши Мустақил Ўзбекистон жамияти, халқи ва айниқса инсонлар бирлиги зарур бўлган давлати учун ҳаёт мамот заруриятидек керак масаладир. Маънавиятнинг туб маъноларига етиб бориш учун зарур вазифалардан бири бу албатта унинг илдизлар билан боғланиш масаласидир. Вахоланки инсон фикр қилишда, ҳулоса чиқаришда нотўғри ва хато натижага келиши ҳеч гап эмас. Шу туфайли тарихда жуда кўплаб халқлар, жамиятлар ҳалокатга инқирозга юз тутган воқеъликларни кўрамыз. Демакки, маънавий ўзликни англашда, уни тиклашда албатта жамиятнинг маънавий дарғаси етакчиси, турли тўсиқлар ва қийинчиликлардан химоя қилиб олиб ўтувчи раҳбари бўлиши шарт. Бундай етакчи жамият раҳбари на фақат бошловчи балки уни тўғри йўлини бошқариб боровчи ҳам бўлиши керак. Бунинг учун раҳбарнинг ўз дастури, амал қилиш зарур бўлган режаси яъни концепцияси мавжуд бўлиши шарт. Бугун Ўзбекистон халқининг шундай раҳбари, унинг концептуал дастури ва режаси мавжудлиги яъни Президент И.А.Каримов таклиф этган “Ўзбек модели” борлиги барчамизга маълум ва танишдир.

Зеро шундай экан Ўзбекистон халқининг маънавияти ва маърифати уйғунлигидаги халқимиз маданиятининг тикланиш йўналиши назарий ва амалий жihatлари мустаҳкам пойдеворий концепцияга таянаётганини айта оламиз. Бунда халқнинг манфаати, эҳтиёжи, маънавий ўзлиги, маърифий йўналиши белгиланган экан мана мустақиллигимизга 24 йил кетаётгани ва ютуқларимиз дунёни хайратга солаётгани дилимизни нуравшон қилишга сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2014 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.
Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.
Т. 2. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 2.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 3.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т. 4. - Т.: Ўзбекистон,
- 5.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби.
Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.
Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.
Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т. 8. - Т.: Ўзбекистон, -
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
- 10.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11 -Т.: Ўзбекистон, 2003.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.
13. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи. 2002. 30 август.
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.-Т.:Ўзбекистон, 1995.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. -Т.:Ўзбекистон,1999.-48 б.
16. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида //Ўзбекистон овози.2001. 6 дек.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2001. 7 дек.
18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. й
19. Каримов И.А.Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13 -Т: Ўзбекистон, 2005.
20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005.
21. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият.Т. 14. Т.: Ўзбекистон, 2006.
22. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15.- Т: Ўзбекистон, 2007.
23. Қувондиқов И. Ҳуқуқий маданият ва миллий ғоя. Тошкент 2011 йил.
24. Турғунов М. Форобийнинг адолатли давлат тўғрисидаги қарашлари. Тошкент 2002.
25. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Тошкент. 2004.
26. Холбеков А. Идилов У. Социалогия (изоҳли луғат-маълумотнома) Тошкент 1999.
27. Ҳожи Исматуллох Абдуллох. Марказий Осиёда ислом маданияти. Тошкент 2005.
28. Гидденс Э. Социалогия. 2002.
29. Русча- Ўзбекча луғат Тошкент 1984. 1-2 жилд.
30. ОдилқориевХ.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Тошкент 2009.
31. Машриқзамин-ҳикмат бўстони. Тошкент 1997.

32. Ҳомидий Ҳ. Кўхна шарқ дарғалари. Тошкент 2004.
33. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Тошкент 2007.
34. Ўзбек тили изоҳли луғати. 1-2 жилд. Тошкент 1981.
35. Большой энциклопедический словарь. 1-2 том. Москва 1991.
36. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғати. Тошкент 1974.
37. Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. Тошкент 2008.
38. Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.1988.
39. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 1998 йил. 5 бет.
40. Тилаб Махмудов “Авесто” ҳақида. Тошкент 2000 йил
41. Фридрих Ницше Так говорил заратустра: книга для всех и ни для кого. М.1990.
42. Ватан туйғуси. Тошкент 1996.
43. И.А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол а тараққиёт йўли. Тошкент 1992 йил. 11 бет.
44. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент 2008. 18 бет.
45. Каримов И.К. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент 1997 йил.
46. Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. Тошкент 2008 йил. 104 бет.
47. Большой энциклопедический словарь М.1991. 62 стр.
48. Русча-Ўзбекча луғат. 1 том. Тошкент 1983 йил. 35 бет.
49. Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.1988. 25 стр.
50. Хозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғоти. Тошкент. 2001. 456
51. Фридрих Ницше Так говорил заратустра: книга для всех и ни для кого. М.1990.
52. Психология и психоанализ власти. Т.2. Самарқанд 1999. 42 стр.
53. Психология и психоанализ власти. Т.2. 45 стр.
54. Каримов И.А. Янгича фикрлар ва ишлаш-давр талаби. 5 жилд. Тошкент 1997. 176 бет.
55. Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта Осиёлик машҳур матуффақр ва донишмандлар. Тошкент 1994. 3 бет.

56. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли. Тошкент 1968. 14 бет.
57. Ахмедов Б. Амир Темур. Тошкент 1995. 4 бет.
58. Жўраев Н. тарих фалсафаси. Тошкент 1999. 151 бет.
59. Отамуротов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. Тошкент 2005. 63 бет.
60. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж, -Т. “Ўзбекистон, 2005.
60. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-ж, -Т. “Ўзбекистон, 2006.
61. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-ж, -Т. “Ўзбекистон, 2007.
62. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч”.Т. “Маънавият” 2008.
63. Каримов И.А.. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”
Т. ”Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 й
64. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш—ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2013й 7 декабрь.

Интернет сайт ва газеталар

- | | |
|--|---|
| 1. www. Ziyounet.uz | 6. www. Olam. Uz |
| 2. www. edu.uz www. | 7. Andijonnoma@Inbox.Uz |
| 3. www. mahalla.Uz | 8. www.UzA |
| 4. www. LexUz | 9. www.XS.Uz |
| 5. www. Kitob.Uz | 10. www.Uzedu.uz |

Глосарий:

Аллома- олимлар олими. Хар сохада илмга эга бўлган мутафаккир.

Адолат- маънавий қадрият ва одиллик мезони эканлиги.

Анъаналар- ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий қадрият.

Абадий- доимий, абадий мавжуд.

Аблаҳ- зўровон, салбий хислат шаклланган феъл атворли шахс.

Авлод- (араб, валад — бола сўзининг кўплиги) — 1) умумий аجدодларидан қариндошлик муносабатлари билан бир хилда узоқлашган кишилар гуруҳи. Ман, ота-оналар, фарзандлар, набиралар — кетма-кет келган уч Авлод; ота ва ўғил, она ва қиз фарзанд туғилиши оралиғидаги вақт бир Авлод даври (тахм. 30 й.) саналади; бир аجدод (бобо)дан тарқалган кишилар.

Авлиё- (араб, валий сўзининг кўплиги, худога яқин одам) — тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буйруқларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишлардан юз ўгирувчи киши. Бу сўз «азиз» сўзи биланн бирга ҳам ишлатилади.

Адаб- (араб.) — 1) яхши хулқ, тарбия, хушмуомалалик, ҳаётни тўғри тушуниш, тўғри яшашни ўргатиш маъносида. Ўзбек тилидаги «одоб» Адаб сўзининг кўплик шаклидир.

Ахлоқ- кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи.

Башарият- Инсоният

Башорат- (араб. — хушхабар, суюнчи хабар) — илмий билишнинг бир шакли, ҳали фанга тўла маълум бўлмаган, имконият тариқасидаги ҳодисалар, турли жараёнлар тўғрисида олдиндан фикр айтиш.

Дин- бу: Уламолар фикрича илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган таълимот. (“Дин” арабча сўз бўлиб ўзбекча “ишонч”, “итоат”, “жазо” маъноларини англатади.

Дил-қалб

Давлат- Мажбур қилиш кучига, ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохтига эга бўлган механизм.

Демократия- (юн. demos — халқ ва ...кратия) — фукаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум.

Дипломатия-(франц. diplomate) - 1) муайян бир давлатнинг хорижий давлатлар билан расмий алоқаларини юритиб турадиган ва бунинг учун махсус тайёргарлик кўрган лавозимли шахс.

Жадидчилик- (араб, жадид - янги) — XIX-аср охири XX-аср бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат.

Инсонпарварлик- инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч.

Ислохот-Мувжуд тартибот ўрнатиш

Истиқлол-Мустақил, эркин, озод ва обод ватан

Консерватизм- ижтимоий ва маданий ҳаётда анъана ва ворислик ғоясига таянувчи хилма-хил ғоявий-сиёсий ва маданий оқимлар мажмуи.

Маданий мерос- Узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маданий жиҳатдан ғоят қимматли ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маданий бойликларга айтилади.

Мафкура- (арабча – фикрлар мажмуи) ижтимоий жараёнлар маъно-мазмунини англашни ва унинг бошқариш усулини билишни даъво қиладиган, онг ва хатти-ҳаракатни йўналтирадиган идеаллар, қадриятлар мақсадлар, қарашлар йиғиндисидир.

Менталитет-(лот. mentalis — аклий)— Айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос аклий қобилият даражаси, маънавий салоҳият.

Маънавият- Маънавият инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турган энг бақувват ботиний куч ҳисобланади.

Маърифат- арабча билмоқ, англамоқ. Бу маданият, маънавият, мафкура тушунчалари билан боғлиқ.

Миллий ўзлик- миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш.

Мовароунаҳр- дарёнинг нариги томони. Амударё ва сирдарё оралиғи.